2 Oila va jamiyat № 34 (773) 24 август — 30 август 2006 йил Оила ва жамият

# "МИКРОКРЕДИТБАНК" ОИЛАЛАР ҲАМКОРИ

2006 йил—Ҳомийлар ва шифокорлар йили



*Мамлакатимиздаги ҳар бир оила фаровонлигини барқарор этишга даъват "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки этилган Бошқаруви Раиси Жамшед Сайфиддинов билан суҳбат.*



Банк ходимлари иш устида

***- Ҳурматли Жамшед Бадриддинович, аввало янги банкнинг қандай зарурат асосида ташкил этилгани тўғрисида гапириб берсангиз.***

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти қанчалик ривоя топса, янги иш ўринлари очилади, кўплаб моддий бойликлар яратилади. Якка тартибда иш олиб бораётган тадбиркорлар, оилавий бизнес билан шуғулланаётганлар, касаначилик фаолиятини ташкил этаётганлар, кичик бизнес субъектларида, фермер ва деҳқон хўжаликларида фаолият юритаётганларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни моддий қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**- Банк томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун кредитлар ажратиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

- Банкимиз томонидан тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам тарзда амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, "Микрокредитбанк" АТБнинг Бухоро вилояти Ғиждувон филиали томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун иккита мижозга етти юз минг сўм кредит ажратилиб, бунинг эвазига 16 янги ишчи ўринлари яратилди. Банкимизнинг Янгибозор филиали томонидан иккита мижозга чорва моллари сотиб олиш учун 824 минг сўм, бир мижозга тикув машиналари сотиб олиш учун 1400 минг сўм кредит ажратилди. Бунинг эвазига 7 та янги ишчи ўринлари яратилди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин...

Кредитлар ажратиш ишини бошлаганимизга унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ биз бутун республика бўйлаб кезиб, кўплаб моҳир, билимдон, бир сўз билан айтганда қўлидан иш келадиган аёлларни аниқладик ва улар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

**- "Микрокредитбанк"нинг кредитлар бериш йўл-йўриқлари бошқа банкларникидан нимаси билан фарқ қилади?**

- "Микрокредитбанк"ни кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ихтисослаштирилган банк деб тилга олмоқдамиз. Унинг берадиган кредитлари хусусий тадбиркорларга, касаначиларга, фермерлар ва деҳқон хўжаликларига мослаштирилган. Кичик ҳажмда иш юритувчилар учун кичикроқ ва фоизи камроқ, катта ҳажмда иш олиб борувчилар учун эса ундан кўпроқ миқдорда кредитлар белгилаб қўйилган. Микрокредитлар бериш учун тўпланадиган ҳужжатлар йиғиш ишлари соддалаштирилган.

**- Бугунги кунда "Микрокредитбанк" кредитлари ҳисобига ўз ишини йўлга қўйиб олган аёллар ҳақида нималар дея оласиз?**

- "Микрокредитбанк" республикамизнинг энг олис қишлоқларга ҳам кириб бориши керак. Кредит олувчилар билан семинар ўтказиш учун мамлакатимизнинг энг чекка яйловларига ҳам бордик. Томдидалик Луиза Бахтибоева билан ана шунда танишиб олдик. Бу аёл ташкил этган корхона ва бошқа тадбиркорлик шахобчаларида 15 га яқин иш ўринлари очилди.

Қорақолпоғистонлик Умидхон Рейимова бошланғич сармоя учун 1 миллион сўм, гулистонлик Дилрабо Эгамбердиева чорва моллари сотиб олиш учун ярим миллион сўм, янгибозорлик Манзура Аҳмедова чорва моллари сотиб олиш учун 540000 сўм, куйганёрлик Саидахон Нажмиддинова бошланғич сармоя учун 432000 сўм, пахтаободлик Гулчеҳра Билимжон маиший хизмат ишларини йўлга қўйиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорида кредитлар олиб тадбиркорликни йўлга қўйдилар. "Микрокредитбанк"дан сармоя олиб тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиб юборган тадбиркор, чевар ва моҳир аёлларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб ўтиш мушкул. Улар кейинги пайтларда кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

**- Банк кичик бизнес билан шуғулланаётганлар учун ажратаётган кредитларнинг тури ва миқдори ҳамда лизинг хизматлари ҳақида қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтсангиз...**

- Аввало шуни айтинг керакки, кредитлар қуйидаги йўналишлар бўйига ажратилади.

Бошланғич сармоясини шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ой муддатга:

- юридик шахс мақомига эса бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорида;

- юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараварига миқдорида;

- фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваргача миқдорида микрокредитлар берилади.

Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик бизнес субъектларига Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

"Микрокредитбанк" кичик бизнес субъектлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатади.

**- Жойларда хотин-қизларга кредитлар беришда сансалорликка йўл қўйилмаслиги учун керакли тадбирлар белгиланганми?**

- Маълумки, кредит вақти-вақти билан фоизи тўлаб бориладиган ва маълум муддатда қайтариладиган сармоя. Шу боис бу сармояни шундай одам олиши зарурки, ундан оиласи учун бирор фойда келсин, кейин унинг фоизи ва кредитнинг ўзини вақтида қайтарсин. Агар, кредит олувчи янги иш ўринлари ташкил этиб, қўни-қўшнининг оиласини ҳам обод қилса - олам гулистон! Бирор иш билан шуғулланарман, дея шунчаки вақтини бекор ўтказмаслик учун кредит оладиганларга бу сармоя бирор фойда келтириши мушкул. Аёлларнинг кўпчилиги уста-чевар бўладилар, улар чорвани ҳам қойилмақом қилиб эплайдилар. Шу боис уларга берилган кредитлар кўп ҳолларда муддатидан олдин ҳам қайтади! Хотин-қизларнинг тадбиркорлик борасидаги саъй-ҳаракатларига кўмаклашиш тараққиётнинг катта йўлига яна ҳам тезроқ чиқиб олишимизга ёрдамлашади.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Дармон ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди.**

# ОЛҚИШГА САЗОВОР



"Ўзбекқишлоқмаш" тиббий санитария қисмида фаолият юритаётган шифокорларнинг меҳнати олқишга сазовордир. Бош шифокор Файзулла Ҳалимов жонкуяр инсон. Бош шифокор муовини Муниса Яҳёева ва ички касалликлар бўлими мудири Дилором Муротовалар жамоанинг тажрибали шифокорлари саналади. Шунингдек, янгиликка интилувчан ёш шифокор Раъно Шарипова, қўли енгил ҳамширалар Васила Тўйчиева, Наргиза Йўдошева каби фидоий аёллардан беморлар мамнун.

- Мана бу йил шифохонамизни тўла таъмирдан чиқардик. Замонавий ускуналар билан жиҳозладик. Бунга биринчидан бош шифокоримизнинг саъйи-ҳаракати билан, иккинчидан касалхонамизда даволанган тадбиркор инсонларнинг ҳомийлиги сабаб эришдик. Шу ўринда Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғида яшовчи Баҳром Содиқов бошчилигидаги уста қурувчиларга миннатдорчилик билдирамиз. Бундан ташқари шундай олий ҳиммат инсонлар ҳам бўлдики, улар катта миқдордаги маблағлар билан саховат қилишди-ю, аммо ўз исмларини овоза қилмаслигимизни сўрашди. Қаранг, йилимизнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб номланиши қанча-қанча инсонларни эзгуликка чорлади, - дея ҳаяжон билан сўзлайди шифокор Дилором Муратова. - Мана шу кунларда мустақиллигимизнинг 15 йиллик шукуҳи дилларимизни чулғаган. Беморлар билан мулоқотда бўларканман, мустақиллик халқимизнинг онгини ўстирганини сезаман. Ҳатто биз билан сирлашиб, оилавий можароларни бартараф этишда кўмак сўрайди. Мисол учун эрининг ичиши ёки қайнонасининг қилиқларидан жабр чеккан аёллар: "Уйдагилар келса аҳволимни тушунтиринг, зора яхши бўлиб қолса", дейди. Биз албатта бу оила билан мулоқот олиб бориб, беморимизни маънавий жиҳатдан ҳам даволашга уринамиз. Чунки оилада тинчлик, эзгулик бўлса, соғлик ҳам яхши бўлади.

**Матлуба ШУКУРОВА**

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами бўсағасида қўқонлик футбол ишқибозлари учун ўзига хос совға ҳозирланди.**

# ЎЙИНГОҲ ЧИРОЙ ОЧДИ

Бу ерда бир неча йиллардан буён таъмирланмасдан ташландиқ ҳолга келиб қолган Ҳусанжон Муҳиддинов номидаги ўйингоҳ қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Гап шундаки, футбол ўйингоҳи миллий ва замонавий меъморчилик асосида қайта тикланиб шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. Усти ёпиқ ўйингоҳда футбол ишқибозлари учун ўн минг ўриндиқ, спорт зали, югуриш йўлаклари, маъмурий ва тиббиёт хоналари, меҳмонхона қурилди. Ўйингоҳ қурилишида буюртмачи жамоалардан ташқари шаҳардаги корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ва ишбилармонлар саъй-ҳаракатлари билан 300 миллион сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишлари ҳашар асосида ташкил этилди.

Ушбу ўйингоҳ Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистонда футболни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида иқтидорли спортчи ёшларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

**Расул КАМОЛ**
**"Туркистон-пресс"**

# ЯНГИ МАКТАБ

***Янги ўқув йили учун Бухоро вилояти Когон шаҳридаги кўпгина мактаблар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, керакли жиҳоз ҳамда инвентарлар билан таъминланди.***

- Айни пайтда 5-умумтаълим мактабида 140 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, - деди мактаб директори К.Хожиев. - «Бекзод-95» қурилиш фирмаси ишчилари ўқув муассасасининг тўрт минг квадрат метрли томини шифер билан ёпишди.

Мактабнинг қирқта синфи ҳомийлар томонидан таъмирланиб, замонавий ўқув ускуналари ва компьютерлар билан жиҳозланди. «Бухорогазсаноатқурилиш» жамоаси 640 минг сўмлик компьютер техникаларини туҳфа қилди.

**«Туркистон-пресс»**

# КЎНГИЛЛАР ҚУЛФИН ОЧГАЙ...

**ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!**

**Оила ва Жамият 15 ёш менинг ҳаётимда**

Мен 1997-йилдан бери "Оила ва жамият"ни сонма-сон йиғиб бораман. Гоҳида ўз фикр-мулоҳазаларимни йўллаб тураман. Бунинг сабаби бор албатта. Мен 1997-йил 8 йил деганда бефарзандлик сабабли ўзим севиб-севилиб яшаётган оиламдан ажралиб, ҳатто ҳаётдан тўйган вақтларим бўлган. Энди қандай яшайман, деб зор-зор йиғлаган кунларим, тушкунликка тушиб, ўзимни адои тамом қилган чоғларим бўлди. Ўша оғир дамларимда газетанинг ашаддий мухлиси, 75 ёшли ҳам отам, ҳам онам бўлган дадажоним "Оила ва жамият" газетасини йиғлаб қўлимга тутқазганлар: "Қизим, сен ҳаётингдан бунчалар норози бўлма. Яхшиси мана бу ердаги дил ҳасратларини ўқиб, ўзинг хулоса чиқар. Ахир сен унча-мунча аёл бажаролмайдиган ишни қилдинг, фарзандли бўлсин деб, ўз эрингга хотин олиб бердинг. Биламан, сени ҳам бир кун Оллоҳ қўллайди. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади", деб айтгандилар. Ана ўшандан бошлаб газета сирдошим бўлди. Аста-секин ўзимни қўлга олдим. "Оила ва жамият" газетаси менинг халоскорим, ҳамдамим, мададимга айланиб бўлган.

Шу нашр туфайли ҳаётим изига тушиб кетди. Оилали бўлдим. Бир корхона раҳбариман, қўл остимдаги ишчиларим ҳам "Оила ва жамият"ни сонма-сон ўқиб, мақола ва дил изҳорлари ҳақида баҳслашадилар. Баъзан мендан танишларим:

- Бунча йиллик газетани йиғиб нима қиласиз?- деб сўрашганда ҳеч иккиланмай: "О, бу газета менинг ҳозирги бахтли ҳаётим сабабчиси бўлади-да", деб жавоб қиламан. Ахир мен ўша чоғларда бирни кўриб фикр қилдим, мингни кўриб шукр... Гарчи бошқа газеталарни ўқиб борсам ҳам, "Оила ва жамият"нинг ўрни мен учун алоҳида. Ҳозирги кунда мен каби ҳаётда қийналганларга эса ҳеч иккинланмай "Оила ва жамият"ни ўқисангиз, жуда ажойиб хулосага эга бўласиз", деб маслаҳат бераман. Ишонаманки, бу газета умримнинг охиригача сирдошимга айланиб қолади. Бир кун келиб, қарилик гаштини сурган вақтимда ҳам, насиб бўлса, нафақа пулларимга шу газетага обуна бўлиб мароқли мутолаа билан машғул бўлишни истайман.

**Зулайҳо МУРОТОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани,**
**Қозонли қишлоғи.**

---

Дадажоним 40 йилдан буён босмахонада ишлаб келмоқда. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони соҳиби. Уйимизда доим газеталар бисёр. Бу газеталарни севиб-асраб меҳр билан ўқиб ардоқлаймиз. "Оила ва жамият" газетасининг ҳар бир сўзи мен учун олтиндан-да қиммат. Савоб ва гуноҳ, ҳасад ва ҳавас, яхши-ёмоннинг фарқини ажрата олишни ўргатувчи бу газета ҳаммамиз учун ўгитнома. "Оила ва жамият" газетаси инсонларни эзгуликка, яхши ниятлар билан покликка, юксакликка етакловчи газетадир. Газетанинг ҳамма ходимларига ва мухлисларига Оллоҳдан соғ-омонлик тилайман.

**Каромат ДЕҲҚОНОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани.**

---

Мустақиллигимиз билан тенгдош "Оила ва жамият" газетаси энди 15 ёшни қаршилаётганига қарамай, барча ёшу-қари учун бирдек маслакдош, суҳбатдош, адашганга, тўғри йўл кўрсатувчи, дардмандга даво, кўнгли яримнинг кўнглини кўтарувчи, турли сабабларга кўра ҳаёт йўллари айро тушганлар тақдирини туташтирувчи беминнат дўст!

Айрим қайноналарнинг "зуғумлари", йигитларнинг ношудликлари, қизларнинг "эпсизлиги" ёки "тўқликка-шўхлик" натижасида жар ёқасига бориб қолаётган, нураш арафасида турган, ота-онаси тирик бўла туриб, фарзандлари "тирик етим" га айланиб қолаётган оилалар тақдиридан юрагингиз зирқирайди. "Оила ва жамият" газетаси ушбу муаммоларни ҳал этишда бизнинг энг яқин ёрдамчимиздир. Шу боисдан ҳам мен мазкур газета Республика хотин-қизлар қўмитаси муассислигида чоп этилиши ва унинг ҳар бир хонадонга кириб боришини ҳисобга олган ҳолда бир таклиф киритмоқчиман. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида"ги 365-қарорига мувофиқ, келин-куёвлар бирбирлари билан обдон танишиб фотиҳа тўйлари асосий олди-бердилар, ҳаттоки "Мол ёяр" маросимлари ўтказиб бўлингачгина шунчаки расмиятчилик учун керакдай энг охирида тиббий кўрикдан ўтишади. Агар кўрик давомида келин ёки куёвда биронта касаллик қарорда кўрсатилиши (5 хил) аниқланса, бу икки тараф учун ҳам нохуш холатларни келтириб чиқарадики, кўпчилик никоҳдан ўтувчилар сарфланган харажатлардан кўз юмиб кетолмай, туфайли ҳам таъқиқлашга қарамай, турмуш қурадилар ва ўзларини фожеага гирифтор этадилар. Шу сабабдан ҳам никоҳланадиган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳеч қандай расм-русумлар амалга оширилмай туриб, тўйгача ўтказилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Мен газетага ихлосимни ушбу мисраларда ифода этаман.

***Онгу-шууримни ёритган***
***нашр,***
***Илҳомим тоширган ва***
***берган меҳр.***
***Вужудга бўлар у доимо***
***малҳам,***
***Алла айтган каби гўёки***
***онам.***
***Мурувватга ўргатар ва***
***берар сабоқ.***
***Яхшига-яхшию, ёмонга-***
***ёмон.***
***Толеъинг кулсину, бўлавер***
***маёқ.***

**Гулчеҳра КАРИМОВА,**
**Тошкент шаҳар,**
**Юнусобод туманидаги**
**"Оқтепа" маҳалласи**
**маслаҳатчиси.**

---

Ҳаётда одамлардан тортиб, нарса, ҳодисаларгача ҳамишаям исми жисмига муносиб бўлавермайди. "Оила ва жамият" сирлашган ҳар бир инсон билан жонкуяр, тажрибали кайвонилар каби диллашганини, жамиятнинг олтин ҳалқаси бўлган оилалар тинчлиги, мустаҳкамлиги учун маслаҳатга, кўмакка доим тайёр эканлигини йиллар кўрсатди. Газета мураккаб, нозик, аввалу охир ҳаммани қизиқтирган ОИЛА илмининг ўзига хос мактабига айландики, унинг ўқувчилари ҳам, муаллимлари ҳам - халқ.

Ўтган йиллар газета тахламларини варақлайман. Оналик қувончу ташвишлари, турмуш ардоқлари-ю сабоқлари, атрофимдаги танишу нотанишлар билан боғлиқ дилимдан кечган миннатдорчилик эътирофлари, оғриғу саволларимни гоҳ ўз номим билан, гоҳида Бону исмига яшириб "Оила ва жамият" орқали элга ҳавола қилибман. Айниқса, фарзандларимнинг ёшликлари билан боғлиқ ҳикоя, лавҳаларни ўқиркан, самимий, безакларсиз, ялтироқ сўзларга бурканмаган туйғуларим, фикрларимни чоп этгани учун газетадан такрор-такрор миннатдор бўламан. Бу сатрлар қайтмас йилларнинг азиз суратига ўхшайди.

Ҳамма шошилган, вақт ҳақиқатан ҳам нақдинага айланган лаҳзаларда, барибир, кимгадир кўнглингни очгинг келади. Самимий, сени бор ҳолингча кутиб оладиган, қабул қиладиган даргоҳ, қалб излайсан. Беилинж, таъмасиз суҳбатни соғинасан. Шунда "Оила ва жамият"га бир қўниб ўтаман.

Бу ердаги мавжуд хоналарнинг борлиқ столлари устида даста-даста хатлар, бош муҳаррирдан тортиб, бўлимлардаги ходимларгача мактубларга "кўмилган"... Хатлар газета саҳифасида босилишга муносибми ёки шунчаки ёзилганми... Ҳаммаси эътиборда. Мактублар - кўнгил рози, ҳаммаям ҳар кимга қалбини очавермайди. Диққат қилсангиз, "Оила ва жамият"чилар уйга кетар чоғида ҳам сумкаларига бир даста хат солиб оладилар, уларнинг ҳаммаси билан танишишга ва жавоб қайтаришга улгуриш керак-да!

Бу газета ҳақиқатан ҳам миллионлаб ҳамюртларимизнинг дил дўстига, сирдошига, маънавий суянчиғи, маслаҳатгўйи, маърифатпарвар устози, адабиёт ва санъатнинг гўзал оламларига етакловчи дилбар ҳамроҳига айланган. Оилалар ва жамиятимиз ҳаётининг ўзига хос кўзгусига айланган бу нашримиз исми жисмига муносиб, минг-минглаб хонадонлар, мухлислар ҳар пайшанба тонгларини "Оила ва жамият" билан янги-янги учрашувлар иштиёқида кутиб олишлари ҳам - ҳақиқат.

**Муҳтарама УЛУҒ,**
**Республикада хизмат**
**кўрсатган маданият ходими.**

---

Мен қўшни Қозоғистон Республикасининг Тароз шаҳрида истиқомат қиламан. Йўл узоқ, кўнгил яқин деганларидек Тошкент шаҳрига тез-тез бориб тураман. Чунки шаҳарда қизим, куёвим, набираларим, талаба ўғлим ва кўп жигарларим бор.

"Оила ва жамият" газетасининг чоп этила бошлаганига 15 йил тўлар экан, шундан бери мен ҳам газетанинг мухлисиман. Авваллари талаба жиянларимдан олиб ўқирдим. 1996-йилдан то 2006 йилгача куёвим Шавкатжон обуна бўлганлар. Улар оила аъзолари билан ўқиб, ҳар бир сонини ардоқлаб, тахлаб, эҳтиётлаб қўйишади. Мен келганимда йиғилган газеталарни олиб кетаман. "Оила ва жамият"нинг 1-сонидан 52-сонигача ўн йиллик газеталар тўплами уйдаги шахсий кутубхонамдан жой олган.

"Оила ва жамият" газетасини фарзандларим, ҳамкасб ўқитувчилар, қўни-қўшниларим билан меҳр қўйиб ўқиймиз. Бу газета бизга сирдош, дардимизга малҳам, қуёш каби иссиқ, ой каби ёруғ, беминнат дўстимиздир. Газетада берилган ҳаётий мақолалар шундай таъсирлики, қаҳрамонларни худди кўзимиз билан кўргандек ҳис қиламан. Ибратли оила, яхши қайнона, намунали келинлар билан фахрланамиз. Ёмонлар, хиёнатчилардан нафратланамиз.

Мен Эргашева Ҳакима 1946-йилда таваллуд топганман. Низомий номли институтнинг тил ва адабиёт факультетини тамомлаганман. Тароз шаҳридаги Алишер Навоий номли 15-мактабда она-тили ва адабиётдан дарс бериб келдим. Ҳозир қарилик нафақасидаман. Беш фарзанднинг отаси-онасимиз, ўн набиранинг севимли бувижониси, дадажонисимиз.

Тошкентга борсам, китоб, газета-журналсиз қайтмайман.

Менинг ниятим, "Оила ва жамият" газетаси доимо бор бўлсин, гуллаб яшнайверсин.

**Ҳ. ЭРГАШЕВА,**
**Қозоғистон Республикаси,**
**Тароз шаҳри.**

---

Мен 83 ёшдаман. Лекин газета ўқиш, газетага ёзишни канда қилмайман. "Оила ва жамият"нинг илк сонини 1995 йил хўжалик идорасидаги экономист хонасига иш юзасидан кирганимда қўлимга олгандим. Кўз югуртириб чиқсам, газета жуда ажойиб ва ўқимишли экан. Мен экономистдан газетани сўрагандим, у менга берди. Шу-шу бўлди-ю, "Оила ва жамият" газетасини менга ҳам олиб келишини почтачи аёлдан илтимос қилдим. Шундан бун нафақам ҳисобидан газетага ҳар йили обуна бўламан.

"Оила ва жамият" газетасида чоп этилаётган барча мақолалар менга маъқул. Газетанинг шу йилги 14-сонида "Таъзия ва жаноза" сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Қишлоқдошларим шу мақола чиққан газетани масжидга олиб бориб, кўпчилик орасида ўқиб, муҳокама қилиб, менга "раҳмат" деб кетишди. Газетани ҳар куни ёшлар навбати билан мендан олиб кетиб, ўқиб келишади. Айниқса, хотин-қизлар ҳаётига доир ёзилган мақолаларни қариндошу қўшни аёллар билан биргаликда ўқиб, фикрлашиб ўтирамиз.

Мен журналист ёки шоира бўлмасам-да, бир қишлоқ аёлининг арзимас мақолаларини қолдирмай 2001 йилдан бошлаб газетада узлуксиз чоп этиб келанаётгани учун ижодий жамоага раҳматлар айтаман.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани,**
**"Соҳибкор" ширкат хўжалиги.**

---

Мен учун ёшлик - болалик йилларимдан бери "қадрдон" бўлиб келган ва "остеохондроз", "плиеонефрит", "гипертония" деб аталадиган касалликлар ёнига, чамаси, тўрт йиллар аввал яна қўл ва оёқ бўғинларнинг уюшиб қолиши, умуртқа поғонада туз йиғилиши ҳам безовта қила бошлади. Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўриниб юрганда "Оила ва жамият" мухбирининг "Ғулом Мадаминбек" хусусий корхонаси раҳбари билан суҳбати газетада босилиб чиқди. Табиб Ғулом Мадаминбекни излаб бордим. Шифокор табиб корхона ишлаб чиққан дори воситасини қабул қилишимни тавсия этди. Ихлос билан 20 кунча шу дoридан фойдаландим. Натижа кутилгандан ҳам яхши бўлди. Даво топишимга, аввало худо, қолверса, "Оила ва жамият" воситачи ва сабабчи бўлди. Кейинги 3 йил ичида ушбу нашр мен учун энг яқин суҳбатдошим, маслаҳатчим ва ҳатто, сирдошимга айланди. Энг яқин қариндошларга, фарзандларимга айта олмай юрганим, анча йиллардан бери йиғилиб қолган армонларимни шу газетага яширин имзо билан чоп эттирдим. Кўпгина мухлислар орттирдим. Газета мени қаламкаш сифатида ҳам элга танитди. Менинг орзу-армонларимни, ички сирларимни тоқат билан эшитган, менга кўмак бериб тўғри йўл кўрсатган, мақолаларимни чоп этиб кўнглимни тоғдай кўтарган, эл севган нашр - ардоқли газетамиз "Оила ва жамият" газетаси олдида доимо ўзимни қарздор ва бурчли ҳисоблайман.

**Охунжон БЕГМАТОВ,**
**Тарих фанлари номзоди,**
**доцент.**

# ХИЁНАТНИ КЕЧИРОЛМАДИМ

- Газетангиз орқали ўзимга муносиб жуфт топа олармикинман, деган умид билан келдим. Бундай юришим барибир ҳам яхши эмас. Ўйлаб кўрсам, ҳаётга қасдма-қасдига ёлғиз яшаш менга тўғри келмас экан,- дейди озғиндан келган, қорача йигит.

**- Нега энди ҳаётга қасдма-қасд яшамоқчи бўлдингиз? Нимадан шунчалик кўнглингиз қолди-ю, яна нима сабабдан ҳаётингизни бошқа томонга ўзгартирмоқчисиз?**

- Ҳамма гап шундаки, севги-муҳаббат, ишонч-садоқат деган туйғулар йўқ нарса экан. Хотиним Дилсўз билан севиб-севилиб турмуш қургандик. Иккаламиз ҳам олий маълумотли, ота-оналаримиз эса ўзига тўқ одамлар эди. Шу сабаб турмушимизда ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмади. Мен Дилсўзни бошимда кўтариб юришга тайёр эдим. Ҳаттоки эр-хотин бўлганимиздан кейин ҳам уни худди илгаригидек асраб-авайлашга, уй юмушларида кўмаклашишга ҳаракат қилиб бордим. Биринчи фарзандимиз дунёга келгач, бахтдан шунчалар гангиб қолдимки, тунлари бола уйғонганда уни ўзим юпатар, хотинимга ётиб, дам олишини айтардим. Мен бу гапларни ўзимни мақташ учун айтмаяпман. Шундай кунларнинг бирида ишхонамдаги бир можарали вазиятга аралашиб қолганим учун, ишим судга оширилди. Оғир аҳволга тушиб қолдим. Нима қиларимни, бошимни қайси тошга ураримни билмай юрганимда, хотинимнинг менга хиёнат қилаётгани ошкор бўлди.

**- Кечирасиз, "ошкор бўлди" деганингизни фақат бир маънода тушуниш қийин. Баъзан шундай бўладики, оилада юзага келган нохуш ҳолатлар туфайли эр-хотин ўртасида уриш-жанжаллар кўпаяди. Айниқса эр уйда ўтириб қолса, ишга бориб келаётган хотинини худа-беҳудага рашк қилаверади. Балки...**

- Йўқ, мен уни жаҳл чиқса, ақл қочади, деганларидек, уриш-жанжалларда ўзимни оқлаш учун хиёнатда айблаганим йўқ.

**- Ундай бўлса турли мишмишлар, деди-дедилар қулоғингизга етиб келгандир? Кимдир ёмон ният билан хотинингизга бўҳтон қилгандир? Шу сабабдан сиз у билан юзма-юз, очиқчасига гаплашиб олмадингизми?**

- Энг ёмони ҳам шунда-да! Ҳа, ҳаммасидан ёмони- хотиним ўз оғзи билан хиёнатини тан олди. Ўша одамни қаттиқ севишини айтди. Бошқа аёл бўлганда, балки ҳеч қачон айбини бўйнига олмаган бўлармиди? Балки Дилсўз уни қаттиқ севишимни билгани учун ҳам кечириб юборишимга ҳам ишонгандир? Бироқ... Бироқ мен хиёнатни кечиролмадим... Ажрашдим.



**- Ажрашганингизга қанча бўлди?**

- Яқинда тўққиз йил бўлади.

**- Шунча вақтдан бери оилангизни тиклашга (ахир ҳар ҳолда ўртада болалар бор экан) ёхуд бошқа аёлга уйланиб, ҳаётингизни қайтадан бошлашга уриниб кўрмадингизми?**

- Йўқ! Буни сира истамадим. Уйимиздагилар бир икки бор уйлантирмоқчи бўлишди. Кўнглингга ёққан бирорта аёл бўлса, айт дейишди. Рад этдим. Чунки...

**- Нима, аёл зотидан шунчалик кўнглингиз қолдими?**

- Йўқ-йўқ... Фақат яна шу аҳволга тушиб қолишдан, севиб, ишониб, охир-оқибат хиёнатга дучор бўлишдан қўрқаман. Шунинг учун ҳам мана шунча вақтдан бери бўйдоқман. Аммо бир кун "Оила ва жамият" газетасининг "Қайда ўзи ўша бахт" рукни орқали берилган эълонларни ўқиб, ўйланиб қолдим. Ҳаётда мен каби дили озор чеккан, қаттиқ қайғуга ботган инсонлар кўп экан. Аммо улар менга ўхшаб бутунлай тушкунликка тушиб қолмаган, аксинча қайтадан чиройли ҳаёт қуришга ҳаракат қилишаётган экан.

**- Чиройли ҳаёт... деганда нимани тушунасиз?**

- Эр-хотиннинг бир-бирини ардоқлаши, ширин-шакар фарзандларини кўчаларда етаклаб юришлари, файзли турмушини...

**- Аммо шу камтаргина ширин турмуш учун ҳам кишининг бошида уй-жойи, қўлида касб-ҳунари бўлиши керак. Қолаверса, сизнинг ёшингизга тўғри келадиган аёлларнинг кўпчилиги аввал турмуш кўрган, фарзандлари ҳам бўлиши мумкин.**

- Ўзимнинг ҳам ниятим шу. Ёши 27-30лардаги, 1 нафар фарзандли, оғир-босиқ, самимий бир жувон бўлса, унга мен билан турмуш қуришни таклиф этган бўлардим. Айни пайтда Тошкентдаман. Рассомчилик қилаяпман. Аммо ўзим яшайдиган вилоят марказида уйим бор. Менга турмушга чиқишни истаган аёл менинг юртимда эмас, Тошкентда яшашни афзал кўрса, шу ерга бутунлай кўчиб келишга розиман. Менга ҳам тан, ҳам дил маҳрами бўладиган аёлни қўлимдан келганча бахтли қилишга ҳаракат қиламан.

**Миркомил исмли бу йигит билан танишишни истовчилар бўлса, таҳририятга мурожаат қилишсин.**

**ДИЛФУЗА** суҳбатлашди.

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ҚУРОҚ КЎРПАМ БОР ЭДИ...

- Қани эди бирорта опам, акам ёки синглим бўлса-ю, туйиб-туйиб ҳасратлашсам... Онам вафот этгач биргина аммамдан бўлак яқиним қолмади. Таҳририятга бир алам билан келганман, - деди хонага тортинибгина кириб келган жувон.

**- Ҳамманинг тақдири ҳар хил бўлади-да, синглим! Ёлғиз қиз эдингизми? - деб сўрадим ундан.**

- Кўп йиллар фарзанд кўрмаган ота-онам мен туғилганда қувонишиб исмимни Хурсандой қўйишган экан. Аммо, ҳаётим унча қувончларга бой бўлмади. Кўрганим ота-онамнинг уйидаги ҳаётим бўлди, холос, кейин эса...

**- Турмушга чиққанмисиз? - сўрадим аёлдан.**

- Ҳа, тўрт йил бўлди. Эгизак қизларим бор. Худога шукр. Ўзим ёлғиз бўлганим учун Оллоҳ менга қўшалоқ фарзандлар ато этди. Эрим ҳам мени тушунади. Лекин, қайнонам мени деб уни ҳам койигани-койиган. "Бу таги паст хотинингдан ажрашмасанг, қарғайман. Оқ сутимга соламан!", деяпти. Энди эрим билан ижарага чиқиб кетсакмикан, деб ўйлаяпмиз.

**- Эрингиздан бошқа фарзандлари ҳам борми?**

- Уч нафар ўғли бор. Улар ўзига тўқ оилаларнинг қизларига уйланишган. Шу боис у келинлари билан қайнонам анча инокроқ.

**- Хурсандой, айтинг-чи? Қайнонангизнинг сизни таги паст дейишига бирор сабаб борми?**

Аёл нимадир дейишга оғиз жуфтлади. Сўнг бироз ерга қараб турди-да:

- Бир куни катта овсинимнинг онаси тўсатдан қандайдир иш билан келиб қолибди. Мен шу куни қиши билан пахтаси намиқиб кетган кўрпа тўшакларимни бир ҳовли қилиб ёйиб ташлагандим. Уларни онам раҳматлик ўз қўллари билан, тунлари ухламасдан тиккан эди. Шу ўрин-кўрпаларимнинг орасида иккитадан кўрпа, кўрпача ва ёстиқлар қуроқдан чиройли қилиб қураб тикилганди. Онам буни яхши ният билан, "Борган оиланг, эринг ва болаларинг бир-бирига қуралиб кетсин, ўғлинг бўлса қизга, набиранг бўлса эварага уланиб кетсин", - деган яхши ниятда тикиб сепимга қўшганди. Улар шу қадар чиройли, ранглари ҳам бир-бирига уйғунлашиб кетгандики, тўй куни кўрганларнинг роса ҳаваси келганди.

**- Оилангизнинг нотинчлигига шулар сабаб бўлаяптими?**

-Ҳа! Айтаяпман-ку, ўша куни келган овсинимнинг онаси мендан бу кўрпалар кимники эканлигини сўради. Мен эса фахрланиб, "Меники, опоқжон!" - дедим. У эса кинояли кулди. "Энди, яхлит матога кучи етмаганлар мана шунақа ола-қуроқ матолардан кўрпа қиладиган бўлишган-да. Сизнинг онангиз ҳам бошқасидан қилишга пули бўлмагандир-да!"-деб чақиб олди. Майли, менга айтганидан хафа эмасдим. Аммо, бир куни катта даврада ўтиришганда қайнонамга:

- Кенжатойингизнинг хотини қуроқ кўрпалар олиб келибди-я, қуда! Тағин уни табаррук қилиб ҳовлига ёйиб қўйганини айтинг! Мендан бошқалар ҳам кирган бўлса, борми, устингиздан роса кулишади. Нима, шундоқ дўхтир ўғлингизга бадавлат оилаларнинг қизлари қуриб қолганмиди? - дебди. Қайнонам ўша куни уйга тутундек тутаб келди. Қуроқ қилиб узатган онамни қарғади. Бўлмаса илгари қайнонам бу нарсаларимни кўп кўрган, ҳатто, ҳаваси ҳам келганди. Фақат кўпчиликнинг орасида бу гап,"таҳқирлаш маъносида айтилгани учуни, унча-мунчага гапини бермайдиган қайнонамга бу оғир ботганини биламан. Эрим ишдан келганда бу гапни қайнонам унга ҳам айтди.

**- Эрингиз индамадими?**

- Йўқ, у кулди. Хайриятки у онамнинг ёнини олди. "Нима қилибди? Жудаям чиройли-ку! Бунинг устига бундай қуроқларни тикиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди", - деди. Шу-шу, қайнонам эрим иккимизни ёмон кўриб қолди. Мени тўйларга умуман олиб бормайдиган, қилган овқатимни емайдиган бўлди. Ҳатто, болаларимни ҳам жеркиб ташлар, эримни соатлаб менга қайрарди.



**- Битта кўрпани деб оилангизга шунча совуқчилик тушдими?**

- Энди менга қолса тушмагани яхши эди-я... Аммо, бир куни қайнонам касалхонада болам билан ётганимда ҳамма қуроқ кўрпа, кўрпача ва ёстиқларимни олов ёқиб куйдириб ташлабди. Ахир уларни онам йиллар давомида тикканди-ку! Тўғри, бахмал ёки атласдан тикиш ҳам мумкин эди. Аммо, у ўзининг ноёб санъати билан фахрлангани учун ҳам шундай сепимга шуларни қўшганди.

**- Ҳозир оилангиздаги вазият қандай?**

- Қайнонамнинг бу қилмишидан сўнг очиғини айтсам роса жанжал қилдим. Йиғладим. Эримга онамдан қолган ҳовлига кўчиб кетишимизни айтдим. У ҳам икки ўт орасида қолди. Ахир уйда ҳамма қайнонам томонда бўлиб, мен билан ҳеч ким гаплашмаса нима қилишим керак? Қайнонам эса эримни: "Қаерда яшасанг яшагин, аммо, қайнонанангнинг уйига бориб яшамайсан!" деган шарт қўйган. Майли, бунга ҳам розиман. Аммо, куйдириб ташланган кўрпа-ёстиқларимнинг аламига чидай олмаяпман. Ахир булар мен учун азиз ва қадрли эди, онамни эслатарди.

***Хурсандой кўзига ёш олди. Унга ачиндим. Чунки оналаримиз тиккан, ишлатган буюмлар ҳамиша ардоқли. Айниқса улар оламдан ўтгандан кейин янада қадрлироқ бўлаверади.***

***Бир аёлнинг ўйламасдан айтган гапи туфайли тинчгина яшаётган оилада шунча ғавғо бўлибди. Демак, у аёл умрида қўлига игна тутмаган, игна билан иш тикиш завқи-ю, машаққатларидан бехабар. Игна ушлашни билганида эди, чеварнинг меҳнати осон эмаслигини билган бўларди.***

***Халқимизда, "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!", деган мақол бекорга айтилмаган. Ўша аёлга айтадиган гапимиз шундай. Қуда деган ўз қизи яшаётган оиладаги инсонларни камситиб, ўйламай гапириши яхши эмас! Бу билан ўзгаларни ранжитиб, қизингизни ҳам бошқаларга ёмон кўрсатиб қўйибсиз. Ҳали ҳам бўлса Хурсандойдан, унинг қайнонасидан узр сўранг! Шундай қилсангиз, бу оилага яна тинчлик, осойишталик қайтади.***

**ГУЛБАШАКАР**

# ДИЛДА БОРИ ТИЛГА ЧИҚҚАЧ...

Акс-садо

*"Ҳазил зилга айланди" - 30-сон*

**ЭСЛАТМА: Эрим челакдаги ахлатни ташлагани чиқиб, менга бегона эркак номидан ҳазиллашиб қўнғироқ қилган экан. Унга эртасига қўнғироқ қилишини айтдим. У эса эрим экан. Шу баҳона ажрашдик. Эрим эса уйланмоқчи. Наҳотки шу ҳазилни деб болаларим тирик етим бўлишса? Энди мен нима қилай?**

**Муаллиф: Гулбашакар.**



**Мақолада** тасвирланган бу воқеани ҳазилнинг зилга айланиши сифатида тасвирланишида жон бор.

Ахир ўзингиз ўйланг, эр-хотин бир-бирини ардоқлаб яшаб келаётган бўлса... Табиийки, ҳар иккаласи ҳам бир-бирига хиёнат қилмаган. Балки эрнинг бундай қилишдан мақсади хотинини ёмонотлиқ қилишмас, уни довдиратиб қўйиш, жаҳлини чиқариш. Аммо шу ҳазил туфайли хотини уни чинданам яхши кўришини билиб олиш бўлгандир.

Афсуски, эр жуфти ҳалолининг бегона эркакка: "Илтимос, ҳозир эрим уйда, эртага тўққизларда қўнғироқ қилинг, бемалол гаплашамиз", деган гапини эшитди. Хотинини севгувчи эркакнинг бундай жавобдан тепа сочи тикка бўлиб, ғазаби жунбушга келиши ҳам турган гап. Аммо бу можаронинг ажрашишгача бориши ўша ҳазилдан-да баттар бемаънилкидир.

Биринчидан, маънили эркак бундай ҳазил қилмайди. Ҳазилига жавобан бундай жавобни эшитгач, дарҳол хотинини хиёнаткорликда айблай бошлаши ҳам нотўғри. Эркак хотинининг дилидаги тилига чиқиб кетганининг, аёли танимаган, билмаган, фақат овозини эшитиб турган номаълум эркакка биринчи суҳбатдаёқ мойиллик билдиргандек жавоб қилишидан, "Унинг асли қандайлигини билиб олдим", деб қарор чиқарибди. Бироқ сир бой бермай, хотинини тарбиялаши керак эди. Ахир жуфтлик бу шунчаки эр-хотинлик эмас, бир-бирининг камчилигини тўлдириш, етишмайдиган жиҳатларни тарбиялаш, ўзида бору жуфтида йўқ хислатларни бўлишиш дегани эмасми? Бу ўринда аёлнинг отаси ҳақ. Қўнғироқ қилиб, бундай гапни айтишганда, уришиб, бақириб ташлаш, эримга айтаман, деб қўрқитиш мумкин эди-ку!

Аёл эса довдираган, ҳаяжонланган, кутилмаган сўзлардан хаёли қочиб кетган...

Эр ҳам воқеанинг бундай тус олишидан ҳе йўқ, бу йўқ, ажрашаманга тушган ва ажралиб ҳам кетган. Хотинининг кўз ўнгида бошқа аёл билан дон ҳам олиша бошлаган...

Хуллас, бу жуфтликнинг пойдевори қумдан қурилган каби емирилиб кетди.

Аёлнинг қайнотаси ҳам, отаси ҳам бу воқеада жуда тўғри йўл тутишган. Ҳар иккала ота ҳам жуда андишали инсонлар экан. Аммо афсус, шундай одамларнинг фарзандлари беандиша чиқишибди. Аёл шошиб, довдираб, бу одам ярим кечаси яна телефон қилиб қолса, эрим буни нотўғри тушунмасин, деган хавотирда: "Эртага қўнғироқ қилинг" дегани учун бунчалик азиятга ва маломатга қолиши адолатдан эмасдир.

"Ҳар иккалангиз ҳам бир-бирингизни кечириб, яшаб кетинг", - дейиш осон. Аммо гапнинг изидан қувадиган, озгина имконият туғилиши билан бир-бировининг ёмонотлиққа чиқарадиган жуфтликдан қандай оила чиқиши мумкин?

Афсуски, бу оила барбод бўлибди. Эрхотинга айтар сўзимиз шуки, оилангизни тиклаб қолишга ҳали ҳам имкон бор. Бу имкониятни қўлга киритиш эса тилга боғлиқ. Бир-бирингизнинг кўзингизга тик қараб, фақат ростини сўзлай олишга ўрганишингизга боғлиқ. Ҳазилга келсак эса, унинг беғараз ва самимий бўлишига нима етсин. Охири зил бўладиган ҳазиллардан асрасин!

**Дилфуза ЎРОЛ қизи**

*"Сиримни ошкор қилгандим", 28-сон*

**ЭСЛАТМА: Тўйга бир неча кун қолганда синфдошим Н. алдаб, номусимга тегди. Икки фарзандли бўлганимизда бу сирни эримга айтиб қўйдим ва ажрашдик. Энди эса у яна мен билан ярашмоқчи. Бу ёқда эса Н. ҳам менга уйланиш ниятида. Қандай йўл тутсам экан?**

**Муаллиф: С. Назарова**

# ЭР СЕВДИ, ...

**Синглим Гулнорахон!** Тақдир-тақдир деймизу аммо уни яратишда ўзимиз ҳам сабабчи эмасмизмикан, деб ўйлаб қоламан. Ахир бир ўйланг. Тўйингизга рози бўлиб турган вақтда синфдошингиз билан учрашувга нега бордингиз? Гаплашиб турганимизни куёв томондан бирортаси кўриб қолса нима қиламан, демадингизми?

Сиз учрашувга чиқмаслигингиз керак эди. У сизни аввал севган бўлса нега олдинроқ совчи жўнатмади? Сизнинг тўйингизни белгилашганида "пайтавасига қурт тушди". Бу ишлар Оллоҳнинг сизга берган синовидир. Кеч бўлса ҳам айбни тан олганингиз учун балки сизга Оллоҳим меҳрибон қайнона билан қайноталарни ато этгандир?



Сиз онангизнинг уйида ўтирибсиз. Отаонангиз, эрингиз қайнона-қайнотангиз қанча гап-сўзларга қолганини билгандирсиз? Уларнинг аҳволини ўйладингизми? Тўғри, тор қоринга сиққан бола кенг уйга ҳам сиғади. Аммо... Чиққан қиз чиғириқдан ташқарида. Қизим Гулнорахон, синфдошимга турмушга чиқайми, дебсиз. Сизнинг ўрнингизда бўлсам унинг номини тилга ҳам олмасдим. Хайрлашиш баҳонасида сизни шаҳар чеккасига олиб бориб, номусингизни поймол қилса-ю, яна сиз уни номини эслайсизми? Ўзингизни ерга қаратган, яна кулиб масхаралаб турган инсон ҳақида ўйладингизми? Шундай виждонсиз кишига қандай қилиб қизингиз, ўғлингизнинг тарбиясини ишонасиз? У олдин ўзини тарбия қилсин. Сўнгра Оллоҳдан фарзанд тиласин. Сизни чин дилдан севганида эди, шайтон йўлига бошламас эди. Хотини билан яшаса балки Оллоҳ фарзанд ато этармиди? Сабрсизлик билан хотинидан ҳам ажрашиб, бир қизни бадном қилибди. Берувчи ҳам, олгувчи ҳам Оллоҳнинг ўзи. Умримни фарзандларимга бахшида этаман деманг. Бевалликда кун кечириш қийин. Бевалликни ҳеч ҳавас қилманг. Қайнонангиз келганда кетмабсиз. Бу билан яна бир хатога йўл қўйибсиз. Эрингиз кечиргани учун Оллоҳга шукр қилинг. Бахтингизни ўша уйдан топинг. Болаларингизни етаклаб кўз очиб кўрган уйингизга шошилинг. Қайнона-қайнотангиз дуосини олинг. Олдингидан-да кўпроқ ҳурматини қилинг. Шундай хизмат қилингки улар ҳам умрлари охиригача дуои жонингизда бўлсинлар. Эр ҳам ярим пир, дейишади. Қанийди ҳамма қайноналар ҳам сизнинг қайнонангиздек бўлса?

Кўзингизни каттароқ очинг. Ҳаётга теран кўз билан боқинг. Энди синфдошингиз билан учрашиб ҳаммага томоша кўрсатманг. Фарзандлар отаонаси билан азиз. "Эрим севди - элим севди", дейдилар. Яна бир айтаман. Болаларингизга ўзга инсонни ота қила олмайсиз. Ҳеч қачон синфдошингизнинг номини тилга олманг. Эрингизни сабр косасини тўлдирманг. Дўст, душманлар олдида гап-сўзни кўпайтирмасдан ўйлаб иш қилинг.

Қизим Гулнорахон! Газетанинг кейинги сонида "Мен ўз уйимга қайтдим", деган сўзларингизни кутиб қоламан.

**Умматхон РАҲИМОВА,**
**Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.**

# ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА СЕЗДИРМАНГ

*Маслаҳатингизга зорман - сон-31*

**ЭСЛАТМА: Аёлим билан севишиб турмуш қуриб, 40 йил бирга яшадик. Ёшим олтмишдан ошган. Бир тадбирда нотаниш эркак аёлим ҳақида гапира бошлади. Улар бир пайтлар ишқий муносабатда бўлишган экан. Ўзимни танитмадим. Уйга келиб аёлимни қистовга олдим. У буни тан олди. Энди қандай йўл тутай?**

**Муаллиф: Бахтиёр, Фарғона вилояти.**

**Бахтиёржон,** сиз асло бировнинг гапига ишонманг. Сиз оилангиз билан севилиб-севишиб турмуш қурибсиз. Яхши тўйлар қилибсиз. Сизни икки ойдан сўнг ҳарбий хизматга чақиришибди. 3 йил хизматни бажариб келибсиз. Аёлингиз уйда сизни 3 йил кутибди. Агар хотинингизда ёмон ният бўлганда эди, сиз келгунингизча бошқаси билан турмуш қуриб кетган бўларди. Аммо сизни кутибди. Сизлар шу 40 йил умрингиз давомида 6 нафар фарзандли бўлибсиз. Яхши ҳаёт кечирибсизлар. Агар аёлингиз бузуқ бўлганда, сиз келгунингизча яна битта фарзанд орттириб оларди. Яна маҳаллангиздагилар бу ҳақда сизга оғиз очишмабди-ку.

Агар ўша аҳмоқ йигит билан учрашиб юрганда ҳеч бўлмаса маҳаллдошларингиздан бирортаси сезган бўларди. Айрим одамлар бировнинг яхши ҳаётини кўролмай, сизни синамоқ учун ҳам шундай гапларни айтади. У ҳам шундай қилгандир. Сиз шу гапни айтганда, "Мен кўзим билан кўриб, қўлим билан ушламагунимча бу гапингга ишонмайман! Менинг аёлим пок", деганингизда, балким ёлғончи бўлиб қолармиди?

Сиз андишали, инсофли йигит экансиз. Бу сирни ҳеч кимга билдирмай, ҳатто фарзандларингизга ҳам айтмай, жуда тўғри иш қилгансиз. Турмуш ўртоғингизни қистовга олганингизда балки қўрққанидан, сам ажрашиб кетмайлик, деб ёлғондан бўйнига олгандир? Энди фарзандлар, қуда-анда, невaралар олдида ўз оилангизни сақлаб қолинг.

Қўшни маҳаллада худди сизнинг оилангизга ўхшаган воқеа бўлган. Бу оилда ҳам 2 ўғил 1 қиз бор эди. Эр қаергадир кетган бўлган. Шунда бир ўртоғи: "Аёлинг билан фалончи бирга ётибди", - деган. Ҳалиги йигит ғапирган йигитга бир мушт туширган. "Мен қачон қўлим билан ушлаб, кўзим билан кўрмагунимча бу гапга ишонмайман", - деган. Шунда мушт еган йигит ҳайрон бўлиб қайтиб кетган. Бундай гапларга ишонмай, оилангиз билан тинч яшаб, қатор-қатор тўйлар қилиб, умргузаронлик қилинглар.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани.**

**Мен,** турмуш ўртоғим, шифокор Мухторжон ака Сотволдиев билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган, 41 йилдан буён бирбиримизга суяниб яшаётган бир онахон сифатида бу хусусда фикр айтсам...

Бахтиёр, бу воқеа ҳақида фарзандларингизга гапириб, улар қалбини яраламанг. Гап-сўзни кўпайтирманг. Акс ҳолда маҳаллангизда бош кўтариб юролмай қоласиз. Эри ҳарбий хизматдалигида шу аёл билан ишқий муносабат боғлаган, анча йиллардан кейин оғзидан гуллаб қўйган эркакнинг қилмиши мени аёл, она сифатида жуда ғазаблантирди. Қилғиликни қилиб, орадан шунча йиллар ўтгандан кейин ўзи ёқиб урган аёлни масхаралаб, унинг устидан кулгандан кўра, ўша эркак, эркак бўлмай ўлгани яхши.

Мақолани ўқидиму, шунга ўхшаш бир воқеа эсимга тушди. Хотин-қизлар қўмитаси раисаси эдим. Бундан 18 йил олдин, бир қария хузуримга келиб, хотинининг хиёнати ҳақида гапириб, маслаҳат сўраганди. Қария 58 ёшга кирган касалванд аёли қўлига тўплаган пулини бериб, бир дугонаси билан дам олишга жўнатади. Аёл у ерда бир эркак билан танишиб, эрига хиёнат қилади. Дам олишдан қайтиб келгач, аёлнинг дугонаси қарияга ҳамма гапни айтиб беради. Қария 8 нафар фарзандлари, невара-чевaралари бу гапни эшитса, катта тўполон бўлишини гапириб йиғларди. Хотинини чақириб гаплашдим. Бўлиб ўтган воқеалар тўғрилигини тасдиқлади. Эридан кечирим сўради. Лекин қария хотини билан бир ҳовлида яшаса ҳам бундан кейин унга меҳр кўрсата олмаслигини айтди. Хотинига қараб: "Сенинг бошқа эркакка тикилган кўзларинг кўр бўлмаса, рози эмасман", деди йиғлаб.

Орадан 6 ой ўтгач, ўша хотиннинг кўзлари кўрмай қолди, фарзандлари етаклаб юришибди, деган гап тарқалди. Ҳамма ҳайрон эди. Хиёнат қилиб, виждон азобида қийналган аёл бир йилдан кейин ҳаётдан кўз юмди. Хиёнат қилган инсон, ана шундай аҳволга тушганига гувоҳ бўлганман. Аёл ўлгач, бу сирни қария фарзандларига гапириб берган.

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон Маънавият ва маърифат маркази Булоқбоши туман бўлими раҳбари.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Онажонимиз Дилбар КАМОЛХЎЖАЕВА!**
*Сизни 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Соғ-саломат, фарзандлар камолини кўриб юринг.*
*Оила аъзоларингиз.*

**Жияним ЗИЁДА!**
*Сени 19 ёшинг билан табриклаб, орзуларингга етишингга тилакдошман. Ота-онанг бахтига доимо соғ-саломат бўлиб юргин.*
*Холанг Дилфуза.*



**Азиз ва меҳрибон дадажонимиз Неъматилла ХОЛОВ!**
*Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга узоқ умр, роҳатимизни кўриб юришингизни тилайман.*
*Қизингиз Шаҳло, Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.*



**ИБРОҲИМЖОН!**
*Туғилган кунинг билан қутлаймиз.*
*Оила аъзоларинг номидан даданг ва ойинг. Қашқадарё, Касби тумани.*

**ШАМСИДДИН ака!**
*Сизни таваллуд кунингиз билан ҳамда илмий ишингизни ёқлаганингиз билан табриклаймиз.*
*Синглингиз Лобар ва оила аъзоларингиз.*



**Дадамиз Қурбонбой ШОЙМАРДОНОВ!**
*48 ёшингиз билан табриклаб, узоқ умр, бахту-омад тилаб қоламиз.*
*Рафиқангиз Ҳалима. Қашқадарё, Касби тумани.*





**Азиз отажонимиз ЭШБОЙ ака ва онажонимиз ҲАЛИМА опа!**
*Туғилган кунларингиз муборак бўлсин! Сизларга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз!*
*Фарзандларингиз, набираларингиз Жиззах вилояти, Фориш тумани.*

**БОТИРЖОН ва МУҚАДДАСХОН!**
*Сизларни бахт ва висол айёмингиз билан қутлаймиз! Мазмунли ҳаёт, севгида бахт ва садоқат тилаймиз.*
*Қодировлар оиласи. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани.*

**Азиз устозимиз Шоҳида РАҲИМОВА!**
*Табаррук 60 ёшингиз муборак бўлсин. Қалбимиз ила сизни яхши кўрамиз. Сизга соғлик, саодатли умр тилаб қошингизда таъзимдамиз.*
*136-мактаб жамоаси номидан шогирдингиз Дилбар.*

**Ҳурматли Абдувоҳид ҒАНИЕВ!**
*Туғилган кунингиз билан табриклаб, узоқ умр, бахт-саодат тилайман.*
*Опангиз Юлдуз Расулова.*

Ҳовлимга яшаш учун оилали аёл, бирорта қиз ёки жувонни ижарага қўяман. **(тел. 16 дан 21 гача) ТЕЛ: 64-88-30**

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 12-15 сотихли ҳовли **СОТИЛАДИ** ёки келишилган ҳолда икки хонали уйга алмаштирилади. **ТЕЛ: 321-84-96**

Юсупов Шерзод Шухратовичга 2002 йил Тошкент шаҳридаги 135-мактабдан берилган O'R-Z № 1427993 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2006-йил 11-августдаги 10-01614\9799- сонли АЖРИМИга асосан "Интер файз ҳамроҳ", МЧЖ банкрот деб топиш учун иш очилган. Кредиторларнинг 1 -йиғилиши 2006-йил 26 август куни соат 15-00 да Юнусобод тумани ДСИ биносида ўтказилади. *Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, ДСИ биноси 2-қават 17-хонада қабул қилинади.*
**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 135-74-88**

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг **2006-йил 11-августдаги 10-0614\9800-сонли АЖРИМ**га асосан "Курсав бизнес" МЧЖ банкрот деб топиш учун иш очилган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2006-йил 26-август куни соат 15-оо да Юнусобод тумани ДСИ биносида ўтказилади. *Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А. Темур кўчаси - 95 уй, Юнусобод тумани ДСИ биноси 2 -қават 17-хонада қабул қилинади.*
**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 135-74-88**

## Туш таъбирномаси

# СУВ — ХОЛИС НАЖОТКОР

Озиқ-овқат магазинида мудир бўлиб ишловчи қайноғам текшириш пайтида катта камомад чиқиб, саккиз йилга қамалиб кетган эди. Уларнинг бу ҳолга тушганларига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ эди. Бир куни тушимда оқланиб чиқиб келганмиш. Буни қайнонамга айтсам: - "Оғзингга бол-э, қанийди шундай бўлса, - дедилар кўзлари чақнаб. Бироқ яна бирпасда мунғайиб қолиб: — "Ҳали бунга анча бор", -дедилар. Шу гапдан кейин орадан икки кун вақт ўтиб, кечқурунги овқатни энди сузамиз, деб биримиз дастурхон тайёрлаб, яна биримиз ошхонада куймаланиб турувдик. Милиционер бўлиб ишлайдиган ва кўпинча кечаси алламаҳалда уйга қайтадиган, бугун эса ҳар доимгига нисбатан вақтли келган қайноғам ( у пайтда учта овсин бир ҳовлида яшар эдик) - "Опа, суюнчи беринг, Амин акам оқланибдилар", -деди югуриб келиб онасини қучаркан. Қувончдан олдин тўйиб-тўйиб йиғлаб олиб, бироз ҳоврини босгач, менга юзландилар-да: - "Сенинг орқанг бор экан, тушларингни айтишдан эҳтиёт бўл. Чунки тушнинг яхши фаришталарга тушадигани ҳам, ёмонларига тушадигани ҳам бор. Ёмонларидан эҳтиёт бўлгин, "омин" дейишмасин. Илжи борича ёмонини яшир, сувга оқиз,-деб насиҳат қилдилар. Бу ўгитни эшитганимда худди шу нарсага ақлим етмагани учун бир марта катта хатога йўл қўйганимни эсладим.

Ўшанда тушимда ёшгина бир йўлбарснинг болачасини қувлаб юрган эмишман. У қочгани сайин мен қўрқмасдан, уни қувлармишман. Уни тутган-тутмаганимни эслай олмайман. Бу ҳақда синфдошларимга гапириб берсам, шунда Ойсара деган қиз: - Энди сенинг уканг ўлади",- деди дабдурустдан - "Э, унақа дема, ёмон бўлади. Тушнинг биринчи таъбири нимага йўйилса, шу рўёбга чиқади", -деди унга синфдошларимдан бири. Таъбирчи мулзам бўлгиси келмадими, ё шунчаки ўзининг тортишгиси келдими, хуллас ўз сўзида туриб олди. У пайтларда бундай нарсаларга кўп ҳам ишонавермас эдик. Бироқ, таъбирчининг сўзлари ижобат бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, олдимиздан оқиб ўтадиган катта каналга ўйнаб юрган машинасини тушириб юборган амакимнинг беш яшар ўғли — Асадулло уни оламан деб, сувга оқиб, нобуд бўлди. Шу-шу кўнглимга ўрнашмаган тушларимни дўст-душманга айтишдан эҳтиёт бўлиб, биринчи бўлиб уларни сувга гапириб, оқизиб юбораман.

**ГУЛСАРА УБАЙДУЛЛА қизи**

## Икир-чикирлар

**БУНДАЙ ДЕНГ-ДА...**

Телефон жиринглайди:
- Алло, бу қаердан?
- Фуқаролар йиғинидан.
- Раис борлармиi?
- Йўқ, тушликка кетганлар.
- Нима дедингиз, гапингизга тушунмадим?
- Тушликка кетувдилар.
- Аниқ гапиринг!
- Обедга кетганлар...
- Ҳа, бундай денг-да!

**СУҲБАТ**

- Газеталарга обуна бўлдингизми?
- Йўқ. Ҳали бошлиғимдан сўрашим керак.
- Хўш, қачон сўрайсиз?
- У киши икки ойлик таътилдан қайтсинлар...

**ҲАЙРОНЛИК**

Бир муштарий дўкондордан сўраяпти:
- Бирорта бошқотирмасиз газета топиб беролασизми?
Газета сотувчи:
- Нари туринг! Бошимни кўп қотирманг!.

**МУСАҲҲИҲ АДАШГАНДА**

Улар чала (дала) шийпонда чой ичишди.

Кеча маҳалламизда арокли (марокли) учрашув бўлди.

**Баҳодир ЭГАМ**

**ҚАЛБ МАВЖЛАРИ**

Совчи етти маҳалла кезар,
Икки гулнинг бахтини излар.
· Гулни гулга қўшдик биз,
Яшайдиган йигит қиз.
· Устоз иши ибрат,
Суҳбати саодат.
· Онам алласи -
Олам лласи.
· Ота суянган тоғим,
Она гуллаган боғим.
· Соф севги борлиги,
Пок оила соғлиги.
· Бола кулса соғ экан,
Она бағри боғ экан.
· Муҳаббат сиққан қалбга
Мусибат сиғмайди.

**Анвар МИРЗАЗОДА,**
**Зангиота тумани,**
**Хонобод қишлоғи.**

**ЎЗИЧА**

Ҳар касбга содиқ, устамонлар бор,
Ишончли инсон, ҳам гумонлар бор.
Ўзича ким шоҳ, кимлардир гадо,
Ҳаёт кечмоқчун, ҳам уммонлар бор.

**КОНИ ҚИСҚА**

Ҳийла билан кун кўрар, имкони қисқа,
Боғбони бўш боғнинг - ишкоми, нони қисқа.
Эринчоқ ўз ишига икки ўтирар,
Меҳнатдан йиққан ганжи-кони қисқа.

## "Оила ва жамият" ўгитномаси

**БИР КУН**

Таъначининг оёғи, бир кун тайрилар,
Тоғдек гавда ё эгилар, ё қайрилар.
Умри қадар пойини билиб босмаган,
Туғишганлардан жуда эрта айрилар.

**Эргаш АТОЕВ,**
**Навоий вилояти**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Кўпроқ тоза ҳавода бўлишга ҳаракат қилинг. Ҳафта ўрталарига бориб молиявий имкониятларингиз сезиларли даражада ошади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Душанба банкда ҳисоб рақами очиш учун қулай кун. Якшанбада фойдали харидлар қилишингиз мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** -Яқинларингизнинг даромадлари анчагина ошгани боис, сизга ҳам чиройли совғалар ҳадя этишади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Соғлом бўлай десангиз, душанбадан кечиктирмай спорт-соғломлаштириш секциясига ёзилинг. Чоршанбада янги танишлар орттирасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Шу кунларда ишда ўзингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Якшанбани табиат қўйнида ўтказишни маслаҳат берамиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳафтанинг бошида берган қарзларингизни қайтариб оласиз. Уларга анчадан бери орзу қилиб юрган нарсангизни харид қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Сешанба куни кайфиятингизни бузадиган воқеалар содир бўлиши эҳтимоли бор. Сирларингизни ҳеч кимга айтманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Бу ҳафта дангасалик қилмай, бутун эътиборингизни ишга қаратинг. Пулларингизни эса тежаб сарфлаганингиз маъқул.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Дам олиш кунларини яқин кишингиз билан бирга ўтказинг. Сешанбада каттагина пул ютиб олишингиз мумкин.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** -Ҳафта спорт машғулотлари ва сафарлар учун қулай. пайшанбагача эски қарзлардан қутилиб олганингиз маъқул. Жумада сизни романтик учрашув кутмоқда.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Ҳафта охиридан таътилга чиқса бўлади. Яқинда танишган кишингиз бизнес борасида фойдали режа таклиф этади.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Яқинларингизнинг маслаҳат ва мададига таянсангиз, молиявий аҳволингиз сезиларли даражада яхшиланади.



Тибет айиғи | Қуш қамоғи | Дарҳол | Торли чолғу асбоби | Қайиш, тасма | ...-Анжелес | Нота / Кема девори | Танча | ...-Шароит | "Эм-...-Ви" | Миср қуши

Гўшт маҳсулоти | Пойтахт шаҳар

Чўл, биёбон | Мато тури | Ҳижрон | Раҳбар, мартабали шахс

...-Куёв | Уруш жабҳаси | Хо ... Мин

... Доим | Шашка хили | Қулф очқичи | Файзли, сўлим | Тескари

Эстрада гуруҳи | Қўш, жуфт | Баҳор ойи | Қадимги адиб | Сўз туркуми | Мумли ёритгич | Чипор | Олтин, зар

Турғун ... / Ажал | Денгиз қирғоғи | Қасам / Халойиқ

Қулоғи оғир | Дарё (Франция) | От хили | Танадаги "қулги" | Тожли тўтиқуш | Саноқ сон

Шабада, сабо | Волга (антик) | Бош | Мева тури

Дарвеш рақси | Назокат, малоҳат | Олов, ўт | Сон | Қизил (синон) | Кўл (шева)

Товар қиймати | "... Кетмон" | Бўри-босар, този | Само-лёт | Сира, зинҳор | Пайғамбар онаси

Узум новдаси | Мазах, масхара | ОИЛА ВА ЖАМИЯТ | Каш-фиёт



Азал (акси) | Тепа (акси) | Ини | Қизлар исми

Дарё (Миср) | Боғ-ловчи | АҚШ автоси | Орол (Греция) | Пайғамбар

Рақс одими / Паноҳ жой | Кичик ҳаж | Дарё (Россия)

Сувоқ асбоби | Футбол клуби | "Би-Би-..."

Ҳунар | Айбсизлик исботи | Машҳур модельер

Тишли асбоб / Салат | Сурат, фото | Қадар, довур / Подшо ўғли | ...-Луш | Сеҳрли чироқ қули | Ука

Кўплик олмоши | Боғ ... Кўйсам қадам | Хору-... | Новвой кўлқопи | Овқат сингиши | Халқаро нефт уюшмаси | Хитойча фамилия | Мезим, аспирин | Кичик зарра

Тил, Покистон | Шикоят | Афсона, миф | Мева тури | АҚШ ҳудудий бирлиги | Осиёдаги тоғ | Тушум келишиги

Ҳайвон аъзоси | Нон увоғи | Сўл (синон) | Тузли сув | Процент

Қутлов | Феъл кўшимчаси | Газета номи | Кўтариш воситаси

Узоқ, йироқ | Совға либос | Европадаги тоғ | Ўзбек автоси

Уйқуда кўрилади | Ҳашарот | ... Каримова | Қовун нави

Балиқ тури | Роберт ... (футболчи) | Йўқ (акси) | Номоз чорлови / "...-Жимида"

Бўтқоқ жонивори | Кредит | Сақич тури | "...-Шпа" (дори)

Сабзавот | Ижобат бўлсин!

Аҳил, тотув | Шоҳона хасса | Қари (акси) / Эстрада гуруҳи

*Фаол аёллар учун Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган Бухоро сафаридан фотолавҳалар.*






*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



*Shahzod VOHIDJONOV,*
*Toshkent shahri, Yunusobod tumani, 288-maktabning*
*5 «A» sinf o'quvchsi*



*Iroda MAHKAMOVA,*
*Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Oq tepa mahallasi,*
*7 «V» sinf o'quvchsi*

## ASKARLAR

*Yurtimiz o'g'lonlari sizlar, askarlar,*
*Vatanimiz mardlari sizlar askarlar,*
*O'zbekiston mardlari, jasurlaridir*
*Mardonavor xizmat qilgay askarlar.*

*Yurtimizni qo'riqlab yurar askarlar,*
*Yov qo'zg'alsa yo'q qilgay ular.*
*General ishonchin oqlar askarlar,*
*Mardonavor xizmat qilgay askarlar.*

*Yurtimiz sha`nini asrar askarlar,*
*Matonatli, jasur, sizlar, askarlar.*
*Vatanim deb jonin tikib askarlar,*
*Mardonavor xizmat qilgay askarlar.*

**Diyora MAMADALIYEVA,**
**Samarqand viloyati,**
**Poyariq tumani, S. Yo'ldoshev nomli**
**18-maktab o'quvchisi**

## VATAN

*Tomirimda oqqan qonimda sensan,*
*O'ylagan o'yimda o'zingsan vatan.*
*Yozgan she`rlarimda, misralarimda,*
*Qiyos topolmagan so'zimsan vatan.*

*Tog'da yonboshlagan xarsanglaringda,*
*Sog'inib yozilar tuyg'ular nomi.*
*Yuragimning titroq to'lqinlarida,*
*Ulg'ayib boradi Vatan kalomi.*

*Tayyorman Mashrabday kezgali sahro,*
*Yo'lim yorug' bo'lsa mayliga ketay.*
*Sen o'zing baxsh etgan qalbimning qo'ri,*
*Bir varaq qog'ozga sig'masa netay.*

**Sohiba MINGBOYEVA,**
**Sirdaryo viloyati,**
**Boyovut tumanidagi**
**17-maktab o'quvchisi.**

## USTOZLARGA

*Qalbing to'la mehrdan,*
*Yaralganmi, muallim?*
*Shu mehrga noming keng,*
*Taralganmi, muallim?*

*Ko'zlaringda yorug' nur,*
*So'zlaring esa mag'rur.*
*Mehri daryo muallim,*
*Sendadur jo'shqin g'urur.*

*Ham muallim, ham ona,*
*O'zingdirsan yagona.*
*Har bolaning qalbiga*
*Yo'l topasan oson-a.*

*Sensan ulug' muallim,*
*Xursand bo'lsang, shod dilim,*
*Doimo omon bo'lgin,*
*Shudir mening tilagim.*

**Gulshanoy XOLDOROVA,**
**Andijon viloyati, Marhamat tumani,**
**35-maktabning 10-sinf o'quvchisi.**




## ОРҚАСИДА КЎЗИ ЙЎҒУ...

Нэну исмли қизнинг ажойиб хислати бор. У орқасида юз метр нарида келаётган одамни таниб кимлигини, кийими қанақалигини, юзида холи бор-йўқлигини, ҳатто тишигача айтиб бера олади.

Бу хислатига қизнинг ўзи ҳам тан беради. Айтишича: олдидаги келаётган одамдан кўра орқадагисини аниқ кўрармиш. Ҳатто орқада гап эшитилмайдиган масофада келаётган икки кишининг нималар ҳақида суҳбатлашиб келаётганини аниқ айтиб беради.

## ТАРВУЗНИ БУТУНИЧА ЮТАДИ

Сарлавҳага озгинагина лоф аралашиб кетгани учун узр. Лекин шундай одам бор. Исми ҳам жуда қийин - Нэуагава-Семана! Ўзи ҳинд миллатига мансуб. Оғзини кенг очса, худди бегемот келиб қолди, дейсиз. У ўртача катталикдаги тарвузларни оғзида олиб тураверади. Лекин овқатни жуда оз ейди.

## ОЛА-БУЛА ОДАМ

Кимоно Шимолий Африкадаги якка-ю ягона уч рангли одам ҳисобланади. У туғилганида юзи қора, бўйнидан пасти оқ ва оёқ қисми қора эди. Ҳозир Кимоно 24 ёшда. Энди қора ранги буғдой рангга айланди. Оппоқ бадани сарғиш тус олди. Тери ранги бўйича мутахассисларнинг текширишларидан ҳеч қанақа хулоса чиққани йўқ. Мутахассислар фақат ҳайратланишяпти, холос.

## ҚОЙИЛ ҚОЛМАЙ КЎРИНГ-ЧИ?

Молдавиялик Алёша исмли йигит ноёб қобилият эгасидир. У бир йўла тўртта сигирни соға олади.

Алёша бу касбни тўкис эгаллаш учун икки йил тер тўкди. Ниҳоят отасининг фермер хўжалигида сигир соғадиган аппаратлар билан беллашиб кўрди. Қарангки, у тез ва соз соғишда аппаратни ортда қолдириб кетди. Алёша тўртта сигирни қўл-оёқларига мослаб қўйиб олади-да, тўрттовини бараварига ишлатади. Қарабсизки, челаклар сутга тўлиб турибди.

Интилганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да!

## КАФТДА ЖЎЖА ОЧИРАДИ

Африка иссиқ мамлакат. Одамларининг танаси унданда иссиқ. Жейме исмли кимса товуқ тухумидан жўжа очириш учун товуқнинг босишини кутиб ўтирмайди. У кафтига тўртта тухумни олади-да ҳар куни беш-олти соат кафтлари орасида олиб туради. Шундай қилиб 20 кундан кейин бу тухумлардан жўжа чиқади. У ана шу йўл билан икки юздан зиёд жўжа очириб олди.

## АҚЛДАН ОЗГАННИНГ БАШОРАТИ

Уни жиннихонада барча ҳурмат қилади. Жиннилар қўрққанидан ҳурмат қилса, шу ернинг шифокорлари унинг башоратчилигига тан бериб, қойил қолишганидан ҳурмат қилишади.

Уни жиннихонага биринчи бор олиб келишганида эртага яна 8 нафар жиннини олиб келишларини айтди. Ҳақиқатан ҳам эртасига шунча жиннини олиб келишди. Бу жиннилар орасида 3 нафари соғ эканини айтганида, бош шифокор унинг башоратига тан берди. Эртага бемор жиннилардан 2 киши ўлади, деганидан сўнг шифокорлар бу фожеа рўй бермаслиги учун роса уринишди. Аммо жиннининг башорати барибир тўғри чиқди. Шифокорлар ҳеч қандай чора топа олмасдан қолдилар.

Шуниси қизиқки, башорат қилмайдиган пайтларда жиннини таниб бўлмасди. У тиним билмай жаврар, нима деганини тушуниб бўлмасди. У жиннихонада 2 ой турган бўлса барча башоратлари тўғри чиқди. Агар жиннихона бош шифокорига 3 кундан сўнг катта фарзандинг ҳалокатга учраб, бир умр майиб бўлиб қолади, деб башорат қилмаганида, уни жиннихонадан бадарға қилишмасди. 3 кундан сўнг у айтган воқеа содир бўлгач, жиннихона бош шифокори башоратчи жиннини номаълум томонларга бадарға қилдирди.

## МЕН СЕНДАН ФАРЗАНД ТИЛАБМИДИМ?

Жаҳонда ажойиб-ғаройиб воқеалар шунақанги кўпки, баъзилари инсоният учун умуман жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Жаклин исмли 15 ёшли қиз бир йўла 5 нафар бола кўради, деб ҳеч ким ўйламаганди. Шуниси сирлики, қизча ҳали жинсий алоқада бўлмаган, севги-муҳаббат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Аммо у ота-онаси ва текширувчи шифокорлардан ниманидир яшираётганга ўхшарди. Энг замонавий аппаратлар ҳам қизнинг ҳеч ким билан алоқада бўлмаганини тасдиқларди.

Жумбоқ ҳозирча жумбоқлигича қолмоқда. Болалар эса соғлом ўсяптилар.

## ОВОЗИДАН БИЛАДИ

Покистонлик артист Оғажихон Равалпинди шаҳридаги томошаларида ғаройиб хусусиятини намойиш этди. У саҳнага чиқиб, қорамтир қалин мато билан кўзини сиқиб боғлади, кейин бирон ерида тешик бўлмаган яхлит бир пўлат мосламани даҳанигача тушириб кийиб олди. Артистнинг барча ҳаракатларини томошабинлар диққат билан кузатиб туришди.

Сўнг томошабинларга мурожаат қилиб, хоҳлаганлар саҳнага чиқиши айтилди. 12 нафар одам ўз хоҳиши билан саҳнага чиқиб, навбатма-навбат баланд овоз билан бирон бир шеър ёки монолог ўқишди. Ҳар гал навбатдаги киши ўз "сўз"ини тугатгач, Оғажихон унинг ташқи қиёфаси, сочи ҳамда кўзининг ранги, қолаверса, одатлари, ҳатто соҳиби учун ҳар вақт ҳам хуш келавермаса-да, ишқибозликларини аниқ тасвирлаб берди. Буларнинг барини "афсунгар" ва "сеҳргар" Оғажихон сўзловчининг овози жарангдорлиги, майинлиги, овоз ўзгаришлари, унли товушларга урғу бериши ва ҳоказоларга асосланган ҳолда аниқларди.

Оғажихон томошаларида ҳозир бўлган олимлар бунда бирон бир ҳийла-найранг, сеҳр йўқ, аммо шу вақтгача бирор киши жиддий бош қотирмаган "Овозшунослик" илми мавжуд, деган ўйга боришди. Сирасини айтганда "Овозшунослик" фанининг истиқболи порлоқ, хусусан у сиёсий қотиллик, қўрқитиб тунаш ва шунга ўхшаш жиноятларга қарши курашда катта самара келтиради.

## МИНА ҚИДИРУВЧИ ЎСИМЛИК

Даниялик олимлар пиёдаларга қарши миналарни топадиган ўсимлик яратдилар. Ўсимлик илдизлари минага текканидан сўнг у ўз рангини ўзгартиради. Ерга кўмилган ва узоқ муддат сақланиб турган мина ишлаб чиқара бошлайдиган кимёвий модда таъсирида ўсимлик ранги кўкдан қизилга айланди. Ўсимлик Arabi dopsiz thaliana деб номланди. Унинг уруғи жуда арзон туриши билан биргаликда олти ҳафтада ўсиб чиқади. Пиёдаларга қарши миналар ҳар йили дунёнинг 75 мамлакатида 2600 га яқин одамнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Бу кашфиёт эса минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

## ОҒРИҚ СЕЗМАС ҚИЗАЛОҚ

Венгриялик тўрт ярим яшар қизалоқ Моника Хайинални шифокорлар текшириб кўрганда оғриқ нима эканини билмаган. Уни укол қилишса ҳам, чимчиласа ҳам барибир у оғриқ сезмаган.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**тайёрлади.**

Турмуш чорраҳаларида

# Бойнинг оғзи каттами?

Каттагина қишлоқда бўлиб ўтган бир воқеа одамларга яхшигина сабоқ берди. Гап шундаки, қишлоқда анчагина ўзига тўқ оилалар ҳам, рўзғорини учма-уч тебратаётганлар ҳам бор. Воқеа эса Мақсудали тандирчининг уйига совчиларнинг келишидан бошланди.

Халқимиз сўраб-суриштириб келин олади-да. Мақсудалининг хонадонига келишаётган совчилар, аввало унинг бир девор қўшниси Малоҳат аянинг уйига ташриф буюришди. Бу хонадоннинг бекаси совчиларнинг бирига озроқ таниш эди. Ундан Мақсудали тандирчининг оиласи ҳақида сўраб-суриштириб, билиб олишни маъқул кўришди. Совчилар Малоҳат аянинг баланд пештоқли уйига, нақшинкор дарвозасига, уйининг томида ялтираб турган япалоқ антеннага қизиқиб қарашди. Хонадон бошлиғи уларни таниб-танимайроқ кутиб олди.

Малоҳат ая семириб-юмалоқлашиб кетган. Унинг ўзи даст ўрнидан тура олмайди. Кимдир қўлтиғидан суяб-тиккалаб қўйиши керак. Ўғиллари унга хизматкор ёллаб беришган. Хизматкор унинг ҳар қандай истагини муҳайё қилади. Малоҳат ая совчиларнинг ниятини билгач, шундай деди:

- Яхшиси орқаларингга қайтиб кетаверинглар. Эр-хотин бир тийинга қиммат одамлар...

Ана шундай маслаҳатдан сўнг совчилик ниҳоясига етмай қолди. Лекин совчи жўнатган йигитнинг оппоқ дадаси кўпни кўрган инсон экан. У совчиларнинг топиб борган гапини эшитгач, шундай дебди:

- Иш жойидагилар қизни жуда мақташибди. Ота-онаси бир тийинга қиммат одамлар бўлишса, қандай қилиб ақлли, фаросатли қизни тарбиялайди? Қайтиб бориб, нариги томондаги қўшнисидан ҳам суриштириб кўринглар.

Мақсудалининг нариги томондаги қўшниси далада ишлайдиган, кетмончи инсон эди. У қўшнисининг оиласидаги тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик тўғрисида фахрланиб гапирди. Мақсудали ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратаётган, ювош, мўмин инсон экан. Шогирдлари билан тандир тайёрлашаркан. Унинг аёли мактабда фаррош бўлиб ишларкан. Уларнинг бу ҳовлига кўчиб келишганига етти йил бўлибди. Маҳаллада ҳамма билан иноқ туришаркан. Маҳалла оқсоқоли ҳам худди ана шунга ўхшаш гап қилибди.

Ҳаётни ҳамма ўз қаричи билан ўлчар экан-да. Малоҳат аянинг уч ўғли топармон-тутармон чиқишди. Уччаласи ҳам ялтироқ енгил машиналарни миниб юришади. Уларнинг дадаси болаларни ростмана оёққа турғазиб, икки йилча илгари оламдан ўтди.

Кибр деган нарса Малоҳат аяни каттазанг ва оғзини жиндай полвонроқ қилиб қўйди. Бундай каттазанг одамнинг қалбига хусумат ҳам осонроқ жойлашиб оларкан. Аслида бир девор қўшниси Мақсудали ва унинг хотини Манзурахон Малоҳат аяга ҳеч қандай ёмонлик қилишмаган. Лекин Малоҳат ая етти йилдан буён қўшниларга гина-кудурат сақлаб келади. Бунинг боиси Мақсудали кўчиб келган уйни Малоҳат ая сотиб олиб, ҳовлисига қўшиб юборишни мақсад қилган экан. Уйининг эгасига: "Ҳовлини биздан бошқа ҳеч кимга сотманг. Айтган пулингизни берамиз. Биров бизнинг юзимизга оёқ босиб, бу ерга кўчиб кела олмайди», деб айтиб қўйган экан. Уйининг эгаси эса уни Мақсудалига анча арзонроққа сотиб юборди. Сабаби у Мақсудалининг отасидан кўп яхшилик кўрган экан. Мақсудалининг тўрт фарзанди билан уйсиз қийналиб қолганини кўриб, ҳовлини ҳатто насияга бериб кетибди.



Бой хотиннинг тасаввурига эса, янги қўшнилар бизнинг юзимизга оёқ қўйиб кўчиб келишди, деган тушунча маҳкам ўрнашиб қолган. У қўшнилар билан гоҳ у деб, гоҳ бу деб жанжал қилгани-қилган. Аёл киши кўпинча уйда бўларканда, Манзурахоннинг гина-креклардан асаби чарчади. Бой хотин эса, ўтни кавласанг ўчади», қўшнини кавласанг кўчади, нақлига амал қилиб, қилдан қийиқ топишни канда қилмайди.

Ўтган куни маҳаллада Икром қассоб ўғлини уйлантирди. Тўйхонада битта дастурхон атрофига маҳалланинг аёллари йиғилишган эди. Малоҳат ая албатта уйнинг тўрида ўтирарди. Иззат-икром жойида бўлаётганига қарамай, негадир унинг чиройи очилмаётганди. Хайриятки, кимдир бой хотиннинг нега кафтини тиззасига қўйиб, жиддийлашиб ўтириши сабабини тушунгандай бўлди.

- Узук қуллуқ бўлсин, Малоҳат ая!

- Қуллуқ! - жавоб қилди у жиндай чеҳраси очилиб. - Сизга ёқдими, ишқилиб?

- Сиз ёқмайдиганини тақармидингиз, Малоҳат ая? Тозаям ноёбиданга ўхшаяпти.

- Ўғлим олиб келибди. Буни "Император" дейишаркан. Кўзлари ҳаммаси олмосдан.

- Нархи ҳам миллионнинг нари-берисида бордир?

- Ана шунақа. Бунинг пули камбағалнинг битта тўйига етаркан.

- Насиб қилсин!

Ана шундан сўнг бой хотиннинг чеҳраси батамом очилди. У узукка ҳеч кимнинг эътибор бермаётганига ғаши келиб ўтирган эканда. Малоҳат ая шу лаҳзанинг ўзида яна каттазанглик отига минди. Унинг қўшниси Манзурахон пойгакроқда ўтирган эди. Бой хотин қўшнисига киборли қараш қилди.

- Махсини янги олдингизми, қўшнижон?

- Ҳа, янги олгандим, - жавоб қилди у сергакланиб.

- Қанчага олдингиз?

- Йигирма беш минг сўмга.

- Тавба, йигирма беш минг сўмга ҳам маҳси берарканми?

- Ҳаммасиям пулига яраша-да, қўшни.

- Демак, теппасидан бўлса керак. Ҳозир косиблар теппа маҳсиларни итнинг терисидан тикиб чиқишаяпти экан. Мана, менинг оёғимдаги тозасидан. Ўғлим эллик минг сўмга олиб келиб берди.

Манзурахон ўнғайсизланиб, пешонасига тепчиган терни артди. Унинг гавдаси жиндай чўккандай ҳам бўлди. Тўйда барибир узоқ ўтира олмади. Уйга қайтиб, эрига шундай деди:

- Шу уйдан кўчиб кетайлик, дадаси.

- Нима бўлди? Қўшнинг яна оғзини полвон қилдими?

- Бу хотиннинг кеки ҳеч тарқамас экан. Шу уйга қаердан ҳам кўчиб кела қолдик?

- Сен кечириб қўявер, аяси. Арқонни узун ташласак, ютқазмаймиз. Бировнинг дилини оғритганни Тангри Таоло суймайди. Сабр қил!

- Сабр-бардош ҳам тугар экан-да, - хўрсинди Манзурахон...

Худди ана шу кунлари Малоҳат аянинг ҳовлисига невара келин тушириб келишди. Тўғрироғи, катта ўғилнинг тўнғич фарзандини мана шу ҳовлига уйлантиришди. Келинни йўқлашиб, кунора меҳмон келиб туради. Малоҳат ая айвондаги сўрида келди-кетдиларни кузатиб ўтиради. Катта қуда дейишиб, келганларнинг ҳаммаси унга иззат-ҳурматни зиёда қилишади. Келинчак ҳам уйдан қандай овқат келса, олдидан дарҳол битта косага солиб, катта бувисининг олдига олиб чиқади. Малоҳат ая овқатни қошиқ билан кавлаштириб, битта нуқсонини топмай қўймайди. Бугун ҳам косадаги овқатни кавлаб, келинчакка маъноли қараш қилди.

- Маҳфузахон, нима, уйларинг қассобхонага узоқроқми?

Келинчак катта бувисининг нимага шаъма қилаётганини сезиб, ўнғайсизланди. Бой хотин шу пайт унга яна бир танбеҳ берди:

- Олиб келишган патирларининг ҳам суви қочиб қолибди. Куёвингиз нон ейман, деб тишини синдириб олмасин, тағин. Мен орзу-ҳавас кўраман, деб тўй қилганман.

Келинчакнинг кўзларига ёш қалқди. Қуда томондагилар эса тишини-тишига қўйиб, арқонни узун ташлаб туришди. Бу ёқда тўйни ўтказиб олишгач, Малоҳат аянинг уччала ўғли ҳам ўз юмушлари билан бошқа давлатларга жўнаб кетишганди. Катта ўғил ҳар доимгидай савдо-сотиқ билан Таиландда, ўртанчаси эса тадбиркорлик ишларига ривож истаб, Россияда юрганди. Кичик ўғил тиззасида пайдо бўлган шишни даволатиш учун Германияга кетганди.

Ана шу кунлари янги келинчак ҳам аразлаб, ота эшигига кетиб қолди. Малоҳат ая эса неварасига шундай деди:

- Ҳеч ўйланма, болам. Қуда томондагилар бировнинг қадр-қимматини билмайдиган одамлар экан. Сенга тилла косада овқат берадиган келинни ўзим топаман.

Аммо бой хотинга ўзи орзулагандай келинни топиш насиб қилмади. Якшанба куни юрак ўйноғи бошланиб, пешиндан кейин ҳеч кутилмаганда бандаликни бажо келтирди. Ўша куни эрталабдан ёмғир шунақаям қуйдики, эшикка чиқишнинг ҳам иложи бўлмай қолди. Ўчакишгандай уйда уч ўғилнинг биронтаси ҳам йўқ эди. Бой хотиннинг дафн қилиш учун югур-югур бошланди. Уни қарангки, қабристон гўркови ҳам иситмалаб, ишга чиқа олмабди. Гўрковлик қўлидан келадиганлар эса шундай шаррос ёмғирда ўзларини панага олишди. Кўрибсизки, тоза маҳсилардан кейин бармоғига бир миллион сўмлик узук тақилган бой хотинни охирги манзилига олиб бориб қўйиш ҳам мушкулот бўлиб қолди. Мана шундай кунда бой хотин "бир тийинга қиммат одамлар" деб таъриф берган Мақсудали билан Манзурахон унинг охиратига яраб қолишди. Мақсудали беминнат гўр кавлашга кўнди. Манзурахон ивиб кетганига қарамай, келди-кетдиларга хизмат қилди.

Ўша куни бой хотинни шаррос қуйиб турган ёмғирда қабрга қўйишди. Бу маросимда қатнашганлар ич-ичларигача ивиб кетишди. Уч ўғилнинг биронтаси ҳам онанинг дафн маросимида қатнаша олмади.

Бу воқеадан хулоса шуки, бойликнинг сеҳр-жозибасига маҳлиё бўлиб, бошқаларни менсимай, дилини оғритганлар, пировардида ўзининг охиратини мушкуллаштириб оларкан. Тангри кибр-ҳаволи одамларнинг обрў-эътиборини паст қилса қиларканки, асло баланд қилмас экан.

**Комилжон НИШОНОВ,**
**Андижон вилояти.**

## ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

### ОХИРИ ҚАНДАЙ БЎЛАРКИН?

Қачондан бери бир нарсани ўйлайману, жавоб тополмай бошим қотади. Бу дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади, деган ақида билан яшайдиганлар Охиратни ўйлармикин? Ё у дунёга борганда ҳам Шайтон билан тил бириктириб, дўзахга чап берамaну, жаннатнинг энг гуллаган жойини сотиб оламан, деб ишонармикин? Шуларга ўзинг инсоф бер, Яратган Эгам!

### ХОМ СУТ ЭМГАН

Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади. Ёшлик, Соғлик, Тинчлик.

### ГУНОҲИ АЗИМ

Дўстни хўрлаш — гуноҳ. Умр йўлдошини хўрлаш — юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш — минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш — чексиз гуноҳ...

### СОДДА ФАЛСАФА

Мункиллаб қолган аммам бўларди. Ўта художўй кампир эди. Болалигимда олдига ўтказиб қўйиб, бир гапни кўп айтарди.

— У қулоқ, бу қулоғинг билан эшитиб ол, болам. Одамнинг у елкасида ҳам, бу елкасида ҳам биттадан фаришта ўтиради. Ўнг елкангдаги фаришта умр бўйи қилган савоб ишларингни, чап елкангдагиси гуноҳларингни ҳисоблаб боради. У дунёга борганингда ҳисоб-китоб қилиб кўришади. Савобинг ортиқ бўлса, жаннатга, гуноҳинг ортиқ бўлса, дўзахга тушасан...

Саводсиз кампирнинг содда фалсафасида қанчалик чуқур маъно борлигини энди тушунаяпман.

### МЎЪТАБАР ЗОТ

Аёл кишига аввало Она деб қарасак, ҳаммаси жой-жойига тушади.

### МАҚТОВ

Бегона аёлни ўзининг олдида мақтанг,

Ўз аёлингизни ўзи йўғида мақтанг...

### ДАСТХАТ

Ҳаётимда кўп дастхат ёзишга тўғри келган. Китоблар, альбомлар, суратлар... Фақат бир гал дастхат ёзиш мушкул иш эканини билганман.

Олис вилоятга борганимизда етимхонага таклиф қилишди. Дастурхон тўкин эди. Ширинликлар... Болаларнинг ўзи пиширган кулчалар... Томоғим хиппа бўғилиб, сув ҳам ўтмай қолди. Кейин концерт қўйишди. Болалар хушчақчақ қўшиқ айтаяпти-ю, йиғлаётганга ўхшайди. Қизалоқлар шўх-шўх рақсга тушаяпти-ю, кўзларида мунг бор, ғусса бор... Бир қизалоқнинг оёғидаги туфличалари икки хил.

Учрашув охирида етимхона журналига дастхат ёзишни илтимос қилишди. Узоқ ўйланиб қолдим. Сўнг ёздим: "Шу даргоҳдаги болаларнинг ота-онаси ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса, юзи қаро бўлсин, қаро бўлсин, қаро бўлсин!"

**Ўткир ҲОШИМОВ**

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРГАН БАНДАЛАР

Норгул нафақат синфида, балки мактабда ҳам энг чиройли қиз эди. Аълога ўқиши, гўзал одоби эса унинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшарди. Аммо, у ўзини бахтли ҳисобламасди. Чунки... юрганида салгина оқсар, бу эса қизнинг юрак-бағрини хун қиларди. Шу кичик камчилиги билан ҳам не-не йигитлар унга барибир ўғринча термулишарди. Ўшалардан бири ўзининг синфдоши Ҳайдаржон эди. Ҳайдаржоннинг сезишича, Норгул ҳам унга бефарқ эмасдек, лекин... Қиз жисмоний камчилигини жуда катта фожеа деб билар, тўрт мучаси соғ инсонларнинг севгисига ўзини номуносиб ҳисобларди. Шу жумладан, Ҳайдаржоннинг армияга кета туриб айтган дил изҳорини алам билан рад этди-ю, бор кучини билим олишга қаратди. Институтга ҳужжат топширди. Омади чопиб талабаликка қабул қилинди. Ҳайдар хизматни тугатиб келгач, техникумда ўқиди. Сўнгра дўконлардан бирида сотувчи бўлиб иш бошлагач, Норгулни турмуш қуришга кўндиришга яна бир марта уриниб кўрди. Чунки, ота-онаси уни уйлантириш тараддудига тушиб қолишган эди.

Тақдир экан, Ҳайдар бошқа қизга уйланди. Келиннинг димоғи баланд эди, биринчи кунданоқ эрини менсимади. Кетма-кет икки ўғилни туғиб берди-ю, ҳукмбардор бўлиб олди. Ҳайдарнинг ота-онаси бўлса пушаймонлик билан надомат бармоғини аччиқ-аччиқ тишлардилар. Чунки улар ўз вақтида маҳаллаларида кўзларининг олдида ўсган одоб-ахлоқли Норгулни: "Бизга чўлоқ керак эмас", дея орқаваротдан камситган эдилар. Бу гаплар Норгулнинг қулоғига етиб, Ҳайдарнинг минг машаққатлар билан эришгани, қизнинг кўнглида эндигина гул очаётган муҳаббатнинг поймол бўлишига сабаб бўлганди. Улар ўзлари танлаган тўрт мучаси бут ношуд келинларининг ҳали уни, ҳали буни "олиб бер" дея, Ҳайдарни кўз очгани қўймаётганини кўриб туришарди. Ёлғизгина ўғиллари балога гирифтор бўлгач эса бошларини деворга урдилар. Тантиқ хотинининг талабини қондираман, деб қинғир ишга қўл урган Ҳайдар уч йилга қамоққа ҳукм қилинди. Эрининг қамалганига икки кун бўлгач, тантиқ келин икки ўғлини олди-ю, қайнона-қайнотасига хайр ҳам демай, жўнаб қолди. Эр қамоқдан чиқиб келганида у аллақачон ўзи учун уй олиб улгурган, "ёлғиз ойимча" сифатида мазза қилиб яшаётган эди. Қамоқда ўтирган йигитга ҳам, қаровсиз қолиб кетган ота-онасига ҳам у ҳақдаги хунук гап-сўзлар етиб бориб турарди. Шу боис уларнинг оиласини тиклашнинг иложи йўқ эди. Ота-она қилган хатоларини тузатмоқчи бўлиб Норгулга совчи қўйдилар. Ҳайдар шунчалар қувондики, ҳамма кўргуликларни унутиб яна бахтли ҳаётга умид боғлади. Ота-онаси Норгулнинг қаршилигига парво қилмай, қизнинг остонасига бориб ётиб олишди. Бу пайтда Норгул яхшигина жойда ишларди. Ҳайдарнинг бошига тушган ташвишлардан хабардорлиги учун унинг мунгли термулишларига, ота-онасининг йиғлаб-ёлворишларига чидаб туролмади, тўйга розилик берди.

Бахтли кунлар бошланди. Кейинги йили улар ўғилчали бўлишди. Туғруқ жуда оғир кечди. Бошқа фарзанд кўриш мумкин эмаслигини айтишганида Норгул қаттиқ куйди, чақалоққа Умиджон дея исм қўйишди.

Умиджон соғ-саломат, эсли-ҳушли бўлиб ўсар, Ҳайдар уйим-жойим деб, елиб-югурар, чол-кампир шодумон умр кечирардилар. Норгул ногирон бўлса-да, уй юмушларини ҳеч кимдан кам бажармас, нуфузли идорада яхшигина лавозимда ишлаб, эри билан баравар рўзғорнинг кам-кўстини бутлашга ҳаракат қиларди. Мана, шунга ҳам ўн олти йил бўлибди.

Кутилмаганда уларнинг бахтли турмушига кўз тегди. Нима бўлди-ю, қишнинг қор-қировли кунларининг бирида Норгул бехосдан йиқилиб тушди. Фалокатни қарангки, оқсаброқ босадиган оёғи синибди, белидан лат ебди. Оғир аҳволда ётган, бир оёғи буткул гипслаб ташланган Норгулга қараб, аввал чолни, унинг ваҳимасидан кейин кампирни шайтон йўлдан ура бошлади.

- Ёлғиз боламнинг умри тўшакка михланган ногирон хотинга қараш билан ўтаркан-да, - деди кампир чолнинг қутқусидан сўнг йиғламсираб.

- Ана, врачларнинг гапини эшитмадингми, чўлоқ оёғи синмаганда ҳам юришига умид бор экан, аксига олиб ногирон оёқ синган, - кампирни баттар ваҳимага солди чол.

- Кел, иккаламиз бир иш қиламиз... Ҳайдаринг бу хотин билан узоқ яшолмайди. Барибир бир кун бошқасига уйланади. Норгулни иссиғида акалариникига жўнатиб... Нариги кетган келинни олиб келамиз. Бошида эри йўқ, дайдиб юрибди, жон-жон деб келади, - айёрона тиржайди у.

- Вой ўлмасам, эсингиз жойидами? Нима деяётганингизни биласизми? Эр нима қилсин унда, эр олармиди у шармандани?! Қайси юз билан ўғлингизга буни айтасиз?

- Нима ўтса-ўтди, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсан,-деди чол соқолини тутамлаб. - Яна уйлантиришга мажбур бўлсак, қанақа хотин келади, худо билади. Шу баҳонада анов икки неварамиз бағримизга келади, ўғлинг харажатсиз қўл-оёғи бутун хотинга эга бўлади. Шу замонда тўй қилиш осонми, тўй қилсанг, ана, невараларинг йигит бўлган.



Олиб келган заҳоти шартта уларни уйлаймизу қўша-қўша келинли, хизматкорли бўлиб қоласан. Буниси билан эса аксинча, чол тувак кўтариб кетаётган ўғлига ишора қилди, - ўлгунингча ўғлинг икковинг хизматкор бўлиб ўтасанлар.

- Ўғлингиз кўнармикан..!

- Буниси билан ишинг бўлмасин.

- Умиджон-чи?

- У ҳам юраверади шу ерда... Акаларининг ёнида, тоғалариникига сиғармиди?!

Чолнинг "бу ёғини менга қўйиб бер", деганида жон бор экан. Ҳаммаси осонгина битди. Собиқ қайнотасидан кутилмаган таклифни эшитган собиқ келиннинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Кутилмаганда дайди хотиннинг катта ҳовлили, данғиллама уй-жойли, айниқса эрли бўлиб қолиши мўъжиза эди. Чолнинг айтишича, ҳаммаси Ҳайдарга боғлиқ, уни ўзига қаратиб, анавунинг изини қуритса бўлгани.

- Шу ҳам иш бўлди-ю! - ўйлади собиқ хотин. - Кўз очиб кўргани мен бўлсам... Ҳалиям нозимга унча-мунча эркак чидолмайди-ю, Ҳайдар нима бўлибди, бир ишвамдаёқ чопиб келади ёнимга.

Собиқ хотиннинг Ҳайдарникига кўчиб келиб олганини эшитганларнинг эси оғаёзди. Тўғри, у ҳовлининг нариги четидаги чол-кампирнинг уйида яшаяпти. Аммо... Ҳайдар уни вақтида талоқ қилган, шунча йил алоҳида, эрсиз яшаб, номини булғаган бўлса... Унинг учун бир умр берк дарвозадан ҳатлашга, оғир аҳволда ётса-да, ҳақиқий бека яшаётган бу уйга киришга собиқ хотиннинг қандай ҳаққи бор? Бу ишлар оддий ўзбекона ақидага тўғри келадими?

Собиқ хотин пуч хаёлларга берилган экан. Ҳайдар биринчи дуч келганидаёқ ҳайдаб чиқараркан, уни бўғиб ўлдиришига оз қолди. Аммо ота-онаси бунга йўл қўймай, унга қайта уйланишни таклиф қилишганида мурдадай қотиб қолди. Сўнгра бу беорликнинг номини тополмай тутақиб кетди-ю, собиқ хотин билан бирга ота-онасидан ҳам юз ўгирди. Барибир собиқ хотин таслим бўлай демасди. Ҳайдарнинг бўйнига очиқчасига осилиб, силаб-сийпаб аврашга уринарди. Бу ишлардан хабар топган Норгулнинг ака-укалари ориятга чидай олмай, сингилларини олиб кетмоқчи бўлишди. Бироқ Ҳайдар кўнмади. Жонжаҳди билан хотинини ҳимоя қилди, бор меҳрини бериб, парваришлади. Собиқ хотиннинг бетига қарамади...

Гоҳо нафрат ҳам яхшиликка хизмат қиларкан. Куракда турмайдиган барча ҳақоратлардан Норгулнинг боши эгилиб, елкаси қисилмади. Аксинча, яна оёққа туришга, бахти учун курашишга юрагидаги изтироб сабаб бўлди. Маълум вақтдан сўнг врачлар ташҳисини чиппакка чиқариб, Норгул аввалгидан кўра яхшироқ юриб кетди.

Бугун у нуфузли идорадаги ишини давом эттирмоқда. Уй юмушларини аъло даражада уддалаб, катта ҳовлини гулзор қилиб ўтирибди. Фарзанди ва эрига, ҳатто хиёнаткор қайнота-қайнонасига ҳам аввалгидек меҳр кўрсатмоқда.

Гўё ҳаммаси ўз изига тушиб кетгандай туюлса-да, бир муаммонинг ечими топилмасди. Собиқ хотин кўчиб кетди-ю, аммо бу уйга келишини, Ҳайдарга суйкалишини канда қилмасди.

- Айтинг, келмасин, бир куни уриб ўлдираман, - дея бақирарди йигит ота-онасига. Улар:

- Бизнинг уйга келаяпти, сенга нима, биз тирик эканмиз келаверади, - дейишади сир бой бермай. Аслида чолу кампирнинг тили қисиқ. Собиқ келинлари уларнинг ўйламасдан ичиб қўйган қасамларини дастак қилиб олган.

- Биз ўлгунимизча Ҳайдарни ўзингга оғдира олсанг, ҳовли сенинг болаларингга қолади, дегансизлар. Ҳали, ўлгунларингча кўп ишга улгуришим мумкин, - дея бетини без қилиб кириб келаверади. Ҳайдарга қармоқ ташлайверади, Норгулнинг дилини яралайверади.

Ҳайдарга қолса, аллақачон бу уйдан кўчиб кетарди, Норгул кўнмайди. Эри ёлғиз ўғил, ота-онасини ташлаб кетиш иснод. Аёлни қийнаётган яна бир сабаб бор. Норгул юриб кетган қувончли кунларнинг бирида қайнотаси кутилмаганда... Ўша ўтган оғир кунларида эри ерни муштлаб "сенинг меҳнатингни билмаса, кўр бўлади ҳали", дея отасини қарғаганди. Буни қарангки, тасодифми ёки жазоми, ҳар ҳолда қайнотасининг кўзи чинданам кўрмай қолди. Энди уни етаклаб юришга, оғзига овқат-чой тутишга мажбур бўлаётган, мункиллаб қолган қайнонасига ёрдам бермаса, ўзини гуноҳкор санаётган Норгулнинг виждони қийналарди. Уларни шу аҳволда ташлаб кетиш қўлидан келмаётганди. Собиқ келинлари қарашни зиммасига олганда ҳам бошқа гап эди...

- Шу кўргулик ҳам бормиди?- нолийди кампир чолнинг оғзига овқат тутаркан.

- Кўргуликнинг каттаси собиқ келининг, кампир, ундан қандай қутуламиз энди?

- Ўлиб қутулишдан бошқа чорамиз йўқ, нодон чол...

***Сиз-чи, сиз нима дейсиз? Шайтон йўлдан урган чол-кампирнинг чиндан ҳам бошқа чоралари йўқми? Ҳайдар билан Норгул-чи, нима қилишсин?***

**Насиба РИЗАЕВА,**
**Жиззах вилояти.**

## УМРИНГНИ УЗАЙТИРМОҚЧИ БЎЛСАНГ...

Инсон Оллоҳ берган умрини узайтира олмайди, албатта. Лекин унга қанча умр ато қилганини ҳам билмайди. Яна айтадиларки, "туғилиш ҳаммага насиб этган, қарилик - ҳаммага эмас".

Япон олимларининг фикрича одам 130 йил атрофида умр кўриши мумкин экан. Агар... уни ўзи қисқартирмаса...

Инсон умрини қисқартирувчи омиллардан бири чекиш бўлиб, бугунги кунда бутун ривожланган давлатларда унга қарши кенг кўламда кураш бошланган.

Агар "нега чека бошладинг?" деган савол берилса, 99 фоиз ёшлар шу заҳотиёқ жавоб бера олмай гангиб қоладилар. Бир фоизининг "ўзимни бемалол ҳис қиламан" дейиши ҳам жавоб эмас. Чунки, у умуман чекмаганида бундай ҳол тушига ҳам кирмасди.

Бир куни мактаб ҳовлисидан ўтиб кетаётсам, икки русийзабон йигитча, (10-синф ўқувчилари бўлса керак) сигареталарини тутатиш учун мендан гугурт сўраб қолишди. Менда эса уларга савол пайдо бўлди. Бу ҳақда розиликларини олгач, саволимни бошладим. Бир дононинг "умрингни узайтирмоқчи бўлсанг, уни қисқартирма", деган фикрини айтганимда, унинг ҳақиқатда ҳам оддий, қисқа ва чуқур маънога эгалигини уччаламиз ҳам тан олдик ва сўзимни давом эттирдим:

- Агар одам чекиш умрини қисқартиришини била туриб, меҳнат қилиб пул топиб, ҳар ойига фалон сўмдан сарфлаб тамаки чекса, у умрини қисқартириш учун ишлаётган одам бўлиб қолмайдими? Бундай одамни қандай сўз билан таърифлаш мумкин?- деб сўрадим улардан.

- "Ўта аҳмоқ", деган жавобни эшитдим. Бу жавоб қисқалиги ва худди нишонга текканлиги билан менда чуқур таасурот қолдирди.

Бу хусусда муштарийларнинг фикри қандай?

**Шукур ОРИПОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

Табобатнома

# ШОҲНИ СОҒИНТИРГАН... НЕЪМАТ



Қовун эл суйган неъматгина бўлиб қолмасдан, унинг шифобахш хосиятлари ҳам талайгина. У жуда қадим замонлардан буён дардга малҳам бўлиб келган. Тарихий манбааларга қараганда, 1530 йили Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида бемор ётган Бобуршоҳ жаннатмакон юртимизнинг қовунларини қаттиқ соғинган экан. Олис йўл босган карвон ниҳоят Агра шаҳрига етиб келади. Шоҳ саройининг кўзни қамаштиргудай сарбаланд тахтида ўтирган Мирзо Бобур карвонбошининг тиз чўкиб, ер ўпишига йўл қўймайди. Аксинча, йўловчиларнинг либослари гардини юзига, кўзига суртади. "Тиз чўкмангиз, - дейди ҳаяжондан титраб Мирзо Бобур. - Ҳозир сиз шоҳ, мен гадомен. Ахир сиз Ватанимнинг насимини келтирдингиз..." Совғалар орасида тилими тилни ёрадиган қовунлар бор эди. У лабида табассуми, кўзда ёши билан қовунларни кўксига босади. Ватан соғинчи қалбини ўртаган шоирнинг ўтли сатрлари қоғозга тушади:

***"Қовун бирла узумни ҳажрида***
***Кўнглим ғам ҳар сув,***
***Оқар сувнинг фироқидин***
***Кўзимда ҳар дам оқар сув".***

Хўш, Бобур бобони соғинтирган қовуннинг қандай хислатлари бор? Буюк аллома Абу Али ибн Сино қовуннинг шифобахш хислатларини шундай таърифлаган: *"Қовуннинг эти ва айниқса уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир. Терини тозалайди, айниқса уруғи ва ичидаги бошқа нарсалари сепкил, доғ, бошнинг кепагини йўқотишда фойда беради. Қобиғи (пўчоғи) манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлаларга тўсқинлик қилади. Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдик ҳайдайди. Айниқса, буйраги ва қовуғида майда тошлар бўлган беморлар учун фойдалидир..."*

Қовунни табаррук деб билмоқ керак. Зеро, қовунда ҳам анор каби жаннат сувидан бир қатра бор. Бас, жаннат сувидан баҳраманд бўлмоқ учун унинг эти ва сувини зое қилмасдан емоқ лозим. Ҳадисда келтирилишича, "Қовун таом, райҳон ва нон кабидир". Чунки у очликни кетказади, чанқоқни босади, хушбўй ҳид таратади, ботин(ички аъзолар)ни тозалайди. Шунингдек, у қовуқ ва қоринни ювади, нутфани кўпайтиради, юз рангини соф ва оғизни хушбўй қилади. Бош оғриғини қолдириб, кўзни ўткир ва равшан қилади. Иштаҳани очади. Меъда (ошқозон) қуртларини ўлдиради.

Шуниси қизиқки, қовун таркибида олтин бор. Шу билан бирга мевасида қанд, пектин моддалари, органик кислоталар - лимон, шавел, олма, С дармондори, каротин, $B_1$, $B_2$, $B_6$, $B_{15}$, крахмал сақлайди. Катта ва кичик маъданлардан - магний, фосфор, олтингугурт, темир, фтор, рух кабилар ҳам қовуннинг таркибида жо бўлган. Шулар туфайли қовун камқонликда, паришонхотирлик, бод, беланги, сил, жигар, буйрак хасталикларини даволашда ишлатилади. Қонни суюлтиради, тез ҳазм бўлади. Сариқ хасталигида, тер ва пешоб ҳайдовчи хосияти бор. Асабни тинчлантиради. Ични юмшатади, бавосилда ажойиб малҳамдир. Қовун уруғи эмульсия ҳолида ҳуснбузар, сепкилни кетказишга фойдалидир. Буйрактош касаллигида наф беради. *Бунинг учун қовун уруғи ҳовончада обдон майдаланади, сўнгра қайноқ сув аста-секин қўшилиб, аралаштирилади. Ҳосил бўлган эзилма докадан сузиб олинади ва 3 маҳал таомдан олдин ярим пиёладан ичилади. Ярим пиёла қовун уруғини янчиб ейилса, жигардаги тиқинларни очади.*

Қовуннинг халқ табобатида қўлланилиши қуйидагича:

✦ Бош оғриганда шошилмасдан 3 тилик қовун ейилса, дардлардан фориғ қилади.

✦ Қовун бутун танадаги сув, туз мўътадиллигини таъминлайди.

✦ Қовун эти говмиччага боғланса тезда шифо бўлади.

✦ Бурундан қон кетганда, қовун пўчоғидан шарбат тайёрлаб, 3 томчи томизиш даркор.

✦ Бодомча безларининг яллиғланиши - ангинада ва бронхитда қовун пўчоғидан кўкрак ва томоқ соҳасига компресс қилиб қўйилса, наф беради.

✦ Обиноввот ва кампир чопон шарбатини ўпка икки томонлама яллиғланганда, зиққинафас билан оғриганлар эса хуружлар оралиғида ичиши фойдалидир.

✦ Лат еган, кўкарган ёки жароҳатланган жойга қовун пўчоғини қўйсангиз тезроқ тузалади.

✦Қовунли обзан (ванна) аллергиядан халос этади. Бунинг учун 36-37 даража ҳароратдаги сувга бир стакан қовун шарбати ёки бўлаклари солинади. Муолажани етти марта бажариш керак.

✦ Қовундаги целлюлоза киши танасидан ортиқча холестеринни чиқаришда ажойиб малҳам бўла олади.

Шуни ёдда тутинг: Бирданига жуда кўп қовун истеъмол қилиш ичакни зўриқтиради ва ичак санчиғига мубтало қилиши мумкин.

Қовунни таомдан 2 соат кейин истеъмол қилинг, чунки уни бошқа озуқалар билан аралаштириб бўлмайди. Қовун айниқса сут, қатиқ, тухум билан чиқишмайди. Қовунни спиртли ичимликлар, асал, совуқ сув билан еб бўлмайди, чунки бунда ичбуруғ, оғир ичкетар каби ичак хасталикларига дучор бўлиш мумкин. Қовунни оч қоринга истеъмол қилиб бўлмайди, сабаби безгакка сабаб бўлади. Қовун қандли диабет хасталигига чалинганлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор беморларга тавсия этилмайди. Шу билан бирга, эмизикли оналарга бериб бўлмайди. Агар қовунни кесмоқ вақтида "Бисмиллоҳ" деса, қовун меъдада тасбеҳ айтиб, ботиндаги дардларни чиқариб, ўрнига шифо киргизади. Агар кимки қовунни сотиб олмоқ вақтида "Бақара" сурасининг 70-ояти ва кесмоқ ҳолатида 71-оятни ўқиса, ушбу оятлар ҳурматидан ўша қовун хушхўр ва мазали бўлади.

Ибн Сийрийн Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдурларким: "Ким тушида қовунни кўрса, бемор бўлса барвақт яхши бўлғай". Кирмоний айтибдурларким: "Ким тушида қовун кўрса ёки еса, ундан ғам-андуҳ кетгай".

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**



**Бўғинлар оғриса:** Эрталаб ва кечқурун 3 бўлакдан ейилса, бир ҳафтадан сўнг бўғинлар оғриғидан халос бўласиз.

**Буйрак, артрит, қабзият ва ўт пуфаги касаллигида:** Кун давомида 1,5-2 кило қовун этидан (бир ейишда 300-400 граммдан) ейиш керак. Қабзиятдан бутунлай фориғ бўлиш учун ҳар гал бир ўтиришда 500 граммдан қовун ейиш тавсия этилади.

**Бод:** Кунига уч маҳал 1/3 стакандан қовун шарбати ичиш керак. Оғриқ бир кундан сўнг тузалади.

**Аллергияда:** Илиқ сувли ваннага 1 стакан қовун шарбати аралаштириш ёки бир бўлак қовун этидан солиб қўйиш керак. Муолажа муддати 7 - марта.

**Тошма тошганда:** Юз терисини аввал буғлаб, қовун бўлаги билан артилади. Бир ҳафтадан сўнг тошмалар йўқолиб, юзнинг ранги яхшиланади.

**Моматалоқ ва куйганда:** Жароҳатланган жойга қовун пўсти босилади. Куйганда эса ўша жойни совуқ сув билан ювиб, сўнг қовун пўсти боғланади.

**БАСИРА тайёрлади.**

# СОЧИНГИЗ ТЎКИЛАЁТГАН БЎЛСА

***- Анчадан буён сочим тўкилаётганини сезардим. Ҳозир эса сал қаттиқроқ ушласам ҳам ҳовуч-ҳовуч бўлиб тўкилаяпти. Илтимос, соч тўкилишида қандай табиий муолажалар бор, шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**Телефон орқали берилган савол.**

## Дардимга даво борми?

Соч тўкилишига жуда кўп нарса сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, ўткир юқумли касалликлар, асаб тизимидаги салбий ўзгаришлар, танада соч ўсиши ва мустаҳкамлигини таъминлайдиган витамин ва моддалар (масалан, кремний)нинг етишмаслиги, соч ювиш, бўяш, қуритиш ва шакл беришда кимёвий воситалардан меъёридан ортиқ фойдаланиш оқибатида соч тўкила бошлайди. Қолаверса, оғир дардга чалинганда, тана ҳарорати 39-40 даражага чиққанда ҳам соч тўкилиши кузатилади.

### Муолажа воситалари

Уй шароитида қуйидагича муолажа усулларини қўллаш мумкин:

▸ Бир неча бўлак йирик саримсоқ пиёзни олиб, қирғич ёки пичоқ ёрдамида майда тўғраб, эзиб бўтқа тайёрлайсиз. Агар сочларингиз ёғли бўлса, бир неча томчи, нормал бўлса, бўтқанинг 1/4 қисми миқдорида, қуруқ сочга эса бўтқанинг тенг ярми миқдорида ўсимлик ёғи қўшиб аралаштирасиз. Аралашмани соч томирларига яхшилаб сургач, 2 соат ушлаб туриш керак, сўнг шампунда ювиб ташлайсиз. Муолажани 6 ой мобайнида ҳафтасига 2 мартадан бажариб туриш керак.

▸ 1 ош қошиқ алоэ, 1 чой қошиқ саримсоқ пиёз шарбати ва 1 ош қошиқ асал қўшиб, аралашма тайёрлайсиз ва музлаткичда сақлайсиз. Соч ювишдан олдин 1 ош қошиқдан қичитқи ўт ва мойчечак гулини 1 литр сувга солиб, сувли ваннада 30 дақиқа қайнатасиз. Мабодо гиёҳларнинг фақат биттасини олсангиз, унинг миқдори 3 ош қошиқ бўлиши керак. Музлаткичдан тайёр аралашмани олиб, унга тухум сариғи қўшасиз ва сочга яхшилаб суртасиз. Бошингизга рўмол ўраб, устидан елим халта(целлофан) кийиб 20 дақиқа ўтиргач, сочингизни совун ёки шампун билан ювиб ташлайсиз. Дарров яна битта тухум сариғини суртиб, тоза сувда ювасиз ва ортидан гиёҳли дамламада чайқайсиз.

▸ Соч тўкилиши оқибатида каллик аломатлари сезилиб қолган бўлса, бошнинг ўша қисмига навбати билан - бир кун саримсоқ пиёз бўтқаси, кейинги кун эса пиёз шарбатидан суртиб туриш керак.

▸ Икки кунда бир марта бошга янги тайёрланган пиёз шарбати суртиб турилса, соч томирларини мустаҳкамлайди, уларнинг тўкилишини сезиларли даражада камайтиради, қазғоқни йўқотади, бош терисини тўйинтиради.

▸ Пиёз шарбати ва ароқни 1:2 миқдорда аралаштириб, 3-4 ой мобайнида ювишдан олдин бош терисига суртиб турилса, соч тўкилишининг олдини олади ва ёғли қазғоқни йўқотади.

▸ Соч томирларини мустаҳкамлаш учун мунтазам равишда сабзи шарбатига лимон аралаштириб ичиб туриш керак.

▸ Бош терисига сабзи шарбати суртиб турилса, сочларнинг яхши ўсишига ва жилоланишига ёрдам беради.

▸ Бошни сут зардобида ювиб, сўнгра тоза сувда чайқаб туриш ҳам синалган самарали муолажа усулларидан ҳисобланади.

▸ Чаканда(облепиха) меваси ва майдаланган новдасидан 100 граммдан олиб, 1 стакан қайноқ сувда 10 дақиқа қайнатасиз. Совугач сузиб олиб, соч томирларига суртиб чиқасиз ва 1 соатдан сўнг илиқ сувда ювиб ташлайсиз. Муолажани бир ой давомида ҳар куни ўтказиш керак.

▸ Петрушка уруғини ҳовончада туйиб, бошга суртилса, соч тўкилишининг олдини олишда қўл келади.

*Соч тўкилишининг олдини олишда қуйидаги қадимий усулдан ҳам фойдаланиб кўришингиз мумкин (бу муолажа кечқурун - уйқуга ётишдан олдин бажарилади):*

▸ Мол гўшти суягидан тахминан 100-150 грамм иликни қоқиб оласиз. Иликка озгина сув қўшиб, суви қуригунча қайнатасиз. Сўнг докада сузиб оласиз. Докадаги қолдиқни ташлаб юбориб, олинган "қаймоғи"-га 50 мл.гр. ароқ қўшиб, обдон аралаштирасиз. Бош терисига чиннигул ёғи суртиб, яхшилаб уқалайсиз, кейин қатрон (дегтяр)ли совунда ювасиз. Шундан сўнг бош терисига 5 дақиқа давомида шошмасдан, айланма ҳаракатлар билан уқалаб иликли аралашмани суртасиз ва бошингизни иссиқ рўмол билан ўраб ётасиз. Эрталаб бошни эзғилаб уқалаб, дағал тароқ ёки чўтка билан тарайсиз.

***ЭСЛАТМА:*** *Саҳифада номлари келтирилган гиёҳларни дорихоналардан ҳамда бозорларда доривор гиёҳлар билан савдо қилувчилардан сўранг.*

**ДАРМОН тайёрлади**

**Ҳар биримиз кун бўйи меҳнат қилгач, толиқиб уйга қайтарканмиз хушбўй кўпиклар билан мавжланиб турган ваннага тушиб танадаги чарчоқни йўқотишни орзу қиламиз. Чиндан ҳам бундай ванналар қувватни тиклайди ва яхши кайфият бағишлайди. Ванна қабул қилиш оддий индек туюлса-да, бироқ, гап даволовчи ванналар ҳақида кетаркан, уни қоидага риоя қилган ҳолда бажариш керак. Шундай экан қандай ванналар фойдали ва қайсилари танани муолажа қилишини биласизми? Буни ҳар ким билиб олгани маъқул.**

# ВУЖУДИМИЗ ВА КЎНГЛИМИЗ яйрайди...



## ВАННАЛАР ФОЙДАЛИМИ?

**Айтишларича қадимги римликлар даволовчи ванналарнинг юздан ортиқ турини билишар экан. Хўш, хушбўй сувли ваннада яйраб ётганимизда танамизда қандай ўзгаришлар юз беради?**

Аслида оддий сувнинг ўзи ҳам жуда кўп шифобахш хусусиятларга эга. Ваннада эса турли ҳароратдаги сув, бунинг устига унга қўшилган фойдали моддалар танани яйратади. Ҳорғин тана сувга кўмилар экан, соғлиқ учун ғоят муҳим ўзгаришлар юз беради. Бу албатта саломатлик учун ижобий таъсир кўрсатади.

Ванна қабул қилган киши тетиклашади ёки анчагина бўшашади. Бунда тери тозаланиб, турли шифобахш воситалар ёрдамида модда алмашинуви яхшиланади. Танадан хилтлар чиқиб кетади. Бундан ташқари сув биздаги ёмон кайфиятни ва салбий қувватларимизни ўзига тез тортиб олади. Шу боис ванна қабул қилиш жараёнида танани тозалаб ифлосланган сув тез оқизиб юборилади.

Ванна кўпроқ фойда келтириши учун, бир нечта оддий қоидаларни эслаб қолиш керак. Биринчидан, агар шифобахш воситалар терига яхшироқ сўрилсин десангиз, ваннага тушишдан аввал яхшилаб чўмилиб, олдин ҳам, кейин ҳам кўп овқат еманг. Спиртли ичимликлар ичманг, бу юракка оғирлик қилиши мумкин.

Бўшаштирувчи ванналарни кечқурун ёки дам олиш имконияти бўлгандагина қабул қилган маъқул. Мободо эрталабдан даволовчи ваннага тушсангиз, кун бўйи ланж ва лоҳас бўлиб юрасиз. Шуни унутмангки, ваннадаги сувнинг ҳарорати 34-35 даражадан ошмаслиги керак. Ана шу ҳароратда танадаги зирқираётган бўғинлар, мушаклар, бош ва сийдик пуфагининг оғриғи қолади. Бундан ташқари илиқ ванна асабнинг зўриқиши, терининг қизариши, шишни даволаб, тиниқиб уҳлашни таъминлайди. Қанчалик фойдали бўлмасин ҳар қандай ваннани қабул қилиш вақти 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Бу муолажадан кейин иссиқ ҳалат ёки чойшабга ўралиб олиб, 20-30 дақиқа дам олиш мақсадга мувофиқдир.

Агар чиниқишни истасангиз унда, эрталаб совуқ ваннага шўнғинг. Бу танани зумда тетиклаштириб танадаги қон айланиши фаолиятини яхшилайди.

Тезроқ исинишни истаганда ёки шамоллаганда қайноқ ваннанинг фойдаси катта. Бунинг учун сув аввал илиқ бўлиши ва аста-секин қайноқ сув аралаштириб бориш керак бўлади.

## ЯЙРАЙМИЗ, ЁШАРАМИЗ...

**Ҳар бир аёл учун ванна қабул қилиш, гўзаллик ва жозибадор кўринишга бағишланган ҳақиқий маросимдир. Чиндан ҳам хушбўй воситалар қўшилган ванна ҳар бир аёл терисини ипакдек майин қилиб, тетиклаштиради ва ёшартириб юборади.**



Илиқ сув тўлдирилган ваннага тушаркансиз ҳамма кўнгилсизларни унутиб, бор эътиборингизни ўзингизга қаратинг, ўзингизни эъзозланг. Шифобахш сувли ваннага тушишдан олдин яхшилаб ювиниб олинг. Тоза танадаги терига бу воситалар чуқур ва яхши сингийди. Ёки танани буғлаб ваннада бир неча минут тери терлагунча ётиб бир стакан қаймоққа озгина ўсимлик ёғи аралаштириб суриб олинг. Шундан сўнг, ярим литр сут билан уч ош қошиқ асал қўшиб тайёрланган ваннани қабул қилинг.

Яна бир ажойиб ванна эса атиргулнинг гулбаргларидан тайёрланади. Бунинг учун янги узилган ёки қуритилган атиргул гулбаргларини кичик халтачага солиб, жумракдан оқаётган сувга тутиб турасиз. Бу халтача билан танани ишқаланса терини бўшаштиради. Шундан сўнг тери қуримасидан туриб, бироргa озиқлантирувчи крем суриладн.

## ТЕРИНИ ДАВОЛАЙДИ...

**Тери ҳам ҳар бир аъзо каби парваришлашни талаб этади. Буни эса шифобахш ванналар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Айниқса, тери касалликларида даволовчи ванна қабул қилишнинг фойдаси бекиёсдир.**

◆ Тери тошмалари ва хуснбузарларни даволаш учун беададан (кливер) тайёрланган ваннага тушилади. Бунинг учун 400 грамм беда устига 2 литр қайноқ сув қуйиб 15 дақиқа тиндириб қўйилади. Сўнг илиқ сувли ваннага қуйилади. Бу ваннани ҳар 15 кунда бир марта қабул қилган маъқул. Бутунлай тузалиш учун эса 8-10 марта ваннага тушиш кифоя.

◆ *Сувли тошмада (экзема) 0,5 картошка унини (крахмал) бир литр совуқ сувда эритиб ваннадаги сувга аралаштирилади-да, 15-20 минут сувда ётилади. Бу терини юмшатиб, қичишини қолдиради. Тангачали темираткини тўхтади.*

◆ Қичималли тошмада (дерматит) қариқиз (лопух) барглари қўшилган ванна тавсия этилади. Бу ванна кун ора қилинади.

◆ *Қўл ва оёқлардаги замбуруғ касаллигида бир литр сувга ярим стакан тирноқгул (календула) гулларини қўшиб аралашма тайёрланади ва ваннадаги сувга қўшгач, 15 минут сувда ётилади. Бу ваннa икки ҳафта давомида ҳар куни икки маҳалдан қабул қилинади.*

◆ Тери шамоллаганда, чипқон ва йирингли яраларда эса эман (дуб) пўстлоғи билан тайёрланган ванна қабул қилишнинг фойдаси катта.

## ДАВОЛОВЧИ ИФОРЛАР

**Кўпинча дорихона ва дўконларда ваннадаги сувга қўшиб ишлатиш учун эфир ёғини тавсия этишади. Лекин буни ҳам ишлатишни билиш керак. Агар миқдоридан ошиб кетса зарар келтириши мумкин.**

◇ Хушбўй ванна қабул қилишни истасангиз, сувга тўрт-беш томчи эфир ёғидан томизиб юборинг. Бу ванна бош мия сезиш маркази фаолияти фаоллашиб, асаб тизими тинчланади.

◇ *Мойчечакли, лимонли, ялпизли ванналар аса танани тинчлантиради.*

◇ Агар терингиз янада мулойим бўлишини истасангиз унда ваннадаги сувга 3-4 томчи ўсимлик ёғи, бир ош қошиқдан қаймоқ ва сут қўшиш керак бўлади.



## ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР БИЛАН...

**Табиий ўтлардан тайёрланган ваннани эса шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қилиш зарурдир.**

◆ *Агар артритни даволамоқчи бўлсангиз 400-500 грамм арча ёки нинабаргли дарахтлардан бироргасининг шохчалари устига қайноқ сув қуйиб 2-3 соат тиндириб қўйинг. Сўнг оёқ ва қўлларингизни ушбу сувга ярим соат солиб ўтирасиз. Муолажани 5-7 марта такрорласангиз кифоя қилади.*

◆ Ревматоид артритига эса мойчечакдан (ромашка) яхши даво йўқ.

Бунинг учун 300 грамм мойчечак гуллари (дорихоналарда сотилади) устига 5 литр қайнаган сув қуйилади. У икки соат тургандан кейин ушбу аралашмани ваннага қуйиб, 45 дақиқа ваннада ётасиз. 10-15 марта муолажа қилинса етади.

◆ *Сули сомони эса подагра касалини даволайдиган энг шифобахш воситадир. 200 грамм сули сомони устига 5 литр қайноқ сув қуйилгач, паст оловда ярим соат қайнатилади. Сал совуганидан кейин оёқларни бу сувга 30 дақиқа солиб ўтирилади. Ушбу муолажа кун ора беш марта бажарилади.*

◆ Агар сизда хотира сусайиши билан боғлиқ муаммо бор бўлса, унда мана бу ўтлардан тайёрланган ванна қабул қилишингиз керак. Бунинг учун 100 граммдан лимонўт ва маврак (шалфей) ўтларини аралаштириб, устига 3 литр қайноқ сув қуясиз. У икки соат илиқ жойда тургандан кейин ваннадаги сувга қўшасиз. Сўнг 10-15 минут томоғингизгача сувга кўмилиб ётасиз. Бу муолажани ҳафтада икки мартадан 10 кун такрорлайсиз.

## ТУЗНИНГ СЕҲРИ...

**Тузли ваннанинг эса ўзига хос хусусиятлари бор. У терини тозалаб, озиқлантиради. Оддий сувга қараганда тузли ванна қабул қилинаётганда танага илиқлик оқиб кириши бир ярим марта кўпаяди. Бу эса моддалар алмашинувининг анчагина тезлашганини билдиради.**

Тузли сувнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у танадаги тери тўқималаридан ортиқча суюқликни чиқариб юборади.



Бундай ваннани аввалига сувга 100-250 грамм туз қўшишдан бошлаш керак. Чунки танани моддалар алмашинуви жараёнини тезлаштирадиган сувга аста-секин кўникиб бориш зарур бўлади.

Мунтазам равишда тузли ванна қабул қилиб бориш эса терини таранг қилиб, мулойимлаштиради. Ортиқча суюқликни чиқариб юбориши натижасида эса танадаги шишлар қайтади.

Оддий сувли ваннадагига қараганда тузли ванна қабул қилингандан кейин тери яхши озиқланади. Шу боис бундай ванналар қариган ва осилиб кетган териларни ҳам даволаб, ёшартириб юборади.

Ваннага тузни сувга эмас, балки оғзи маҳкам боғланган халтачага солиб сув остида тутиб эритилади.

Агар туз тўғридан-тўғри сувга солинмаса, эримаган зарралари терини тилиши ёки қизартириб юбориши мумкин. Бу ваннанинг шифобахшлиги шундаки, теридаги жароҳатларни тез битириб, микробларни йўқотади. Тузли ванналар терига шифо бўлиши учун 12-15 марта қабул қилинади. Ёки икки марта кетма-кет қабул қилиниб, уч кун танаффус қилинади.

Шуни унутмангки, тузли ванна қабул қилингандан сўнг албатта оддий сув билан ювиниш зарур.

**ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.**

# ТЎЙИМ БЎЛДИ ДЕЁЛМАЙМАН

Бўйлари баланд, дид билан кийинган йигит турмуш қуриш ниятида ёрдам сўраб келганини баён қилар экан шундай деди:

- Оилада кенжа фарзандман. Отам масъул лавозимли, бир сўзи икки бўлмаган инсон. Онам бизни доим катталарга қулоқ солишга ўргатган. Шулар сабаб бўлиб, кўнглим суймаган қизга уйландим. Яшаб кетарман, деб ўйлагандим, бўлмади. Бор-йўғи 5 ой яшадик. Яшадик, деб ҳам бўлмайди. Чунки мен кундузни ишга овуниб, кечани ошхонамизда ётиб ўтказардим.

**- Шу ишингиз тўғрими? Ота-онанинг раъйига қараб иш қилиш яхши-ю, лекин бу бировни куйдириш керак, деганимас-да.**

- Опа, мен сизга тушунтиролмадим, шекилли. У қизга кўнглим йўқлиги учун ажрашганим йўқ. Фақат уйлангандан кейин унинг касали борлигини билдим. Менга ҳам ажрашган деган номни олиш осон эмас! Лекин у қиз, ёки онаси аҳволи шундайлигини била туриб нега тўйга рози бўлишди? Жуда сиқилиб кетдим. Ажрашаман, деб отамга айтолмайман, улар уйқуга кетгандан кейин чиқиб ошхонада ётаман. Барибир боланинг ҳолини кўпроқ она тушунаркан. Ахири онамга дардимни ёрдим. Кейин у қизга ҳам тушунтирдим. У буни тўғри қабул қилди. Кейин отамга айтдик. Хуллас, ажрашдик.

**- Энди қайта уйланмоқчисиз, шундайми?**

- Қайта дейиш ҳам балки тўғримасдир. Мен ўзимни уйланган санамайман. Тақдирим шундай бўлгани учун ўқиш, ишга овуниш мақсадида Тошкентга келдим. Ҳозир институтни битириб, ишлаяпман. 24 ёшгача бўлган қиз билан танишмоқчиман, чунки ўзим 25 дан ошаяпман.

**- Турмушга чиқмаган бўлиши керакми?**

- Албатта, тўй қилиб оламан. Мени чирой, зеб-зийнат ҳам қизиқтирмайди. Фақат истарали қиз бўлса... У зиёли оила фарзанди бўлиши керак.

**- Жойининг аҳамияти борми?**

- Йўқ, қаердан бўлса-да, бир куни туғилган жойимга кетишимни тушунадиган, онамга ўхшаган қиз керак.

**- Онангизга?..**

- Ҳа, онам мен учун энг саранжом, кенг ўйлайдиган, сабрли аёл. Баъзи қизлар билан танишмоқчи бўлсам, биринчи навбатда уйим, машинамни сўрашади. Бу нарсаларга эришиш осон. Муҳими интилиш, ҳаракатда.

**- Фикрингизга қўшиламан. Сиз ҳам энди адашманг. Биз кўнглингиздагидек қиз билан таништирган тақдиримизда ҳам синаб, билиб, энг муҳими тиббий кўрикдан ўтказиб, кейин оила қуринг.**

Наргиза хонага кириб келганида унинг кулча юзлари, ғунча лабларига ярашган истараси, ширин жилмайишига ҳавасим келганди. Аммо у билан суҳбатлашиб, ҳолатини англаганимдан кейин юрагимда ачиниш пайдо бўлди.

- Боласи бор инсон билан танишмоқчиман, - дейди қиз.

**- Неча ёшдасиз?**

- 23 да.

**- Мен сизни 17-18 ёшларда бўлса керак, дегандим. Ҳали турмушга чиқмаган бўлсангиз, қолаверса бу чирой, қомат билан...**

- Опажон, энг аввало соғлом бўлинг, экан.

# БОЛАНГИЗГА ОНА БЎЛАЙ...

**- Кечирасиз, қандай муаммо қийнайди сизни?**

- Мен нуқсон билан туғилган эканман. Буни балоғат ёшига етгандан кейин билдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, бачадоним яхши ривожланмаган экан. Кўрсатмаган жойимиз қолмади. Дўхтирлар боласи бор инсонга турмушга чиқишимни маслаҳат беришди. Тақдирга тан бермай иложинг йўқ экан. Фақат онам кўп сиқиладилар. Синглим турмушга чиқиб, болали ҳам бўлди.

**- Маълумотингиз қанақа, ишлайсизми?**

- Ишлайман, бу йил ўқишга ҳам топширдим.

**- Яхши қилибсиз. Наргизахон, агар сиз қалбингизни чеҳрангиз каби чиройли қилсангиз, болаларнинг бегонаси бўлмайди. Ўзингиз туғиб, ўстирган боладан кўра, боқиб катта қилганнинг савоби ҳам бор. Чунки у бола онага, меҳрга зор бўлади.**

- Шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Биласизми, мени сўраганлар уйланмаган йигитлар. Аҳволим ўзимга аён бўлгани учун уларга рад жавобини бераман. Фарзанди бор инсонлар мени, яъни турмушга чиқмаган қизни тенги деб билмайди.

**- Хўп, ўша сиз айтган эркак неча ёшли, феъли қандай бўлишини истардингиз.**

- 30 ёшдан катта бўлмаса. Феълига келсак, менинг кўнглимни тушуниб, рўзғорни бутлаб яшайдиган, кенг кўнгилли инсон бўлса.

Мен бировнинг ҳаётида ҳеч қачон ёмонлик бўлишини истамайман-у, аммо ҳаётда кимнидир аёли оламдан ўтиб қолган ёки фарзандларини отасига ташлаб кетган ҳолатлар ҳам бўлади-ку. Фарзандлар ҳам мени "она" деб қабул қиладиган ёшда бўлса.

**- Сизга маъқул келган инсон тўй қилиб олиши керакми?**

- Ҳеч бўлмаса торгина доирада бўлса-да, расм-русум қилинса...

**- Наргиза, сиз албатта бахтли бўласиз. Сиздек ҳурлиқо ақлли қизга пешонаси ярқираган эркак уйланади.**

---

Отамнинг **ёши 60 да.** Аммо анча ёш кўринади. Онам бу дунёдан ўтган. Кенг ҳовлида отам кенжа ўғил билан яшайди. Агар 50 ёшлар атрофидаги, фарзандларидан тинган аёл бўлса, тоабад қадрлаб яшардик.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилмурод, Тошкент вилояти**

Опамнинг **ёши 30 да.** Уни билганлар нозик қомати, муомаласи, одобига ҳавас қилишади. Аммо биз унинг нуқсони борлигидан куйинамиз. Чунки унинг оқ доғлари бор. Шунинг учун ҳам ўзи каби ақлли, топармон ва тушунчаси кенг тенги бўлса, бахтли бўлармиди, деган умидда манзилни таҳририятга бердим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фазилат, Тошкент.**




Олий маълумотлиман. Ишим тайин. Бўйим 172 см, ўртача вазнли, босиқ табиатли эркакман. **Ёшим 39 да.** Уй-жойим, шароитим етарли. Аёлим билан 10 йилдан ошиқ яшадим. Аммо хасталиги сабаб, биз ажрашишга қарор қилдик. Пойтахтлик, турмушга чиқмаган ёки фарзанди йўқ, 30 ёшгача бўлган аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Иброҳим, Самарқанд.**

Ишхонамиздаги **27 ёшли** жувоннинг чиройига қараб тўймайсан киши. Чиройли ҳулқи янада кўрк беради. Эри 3 ёшли ўғлини ташлаб, кўнгли бегона аёлни хушлаб кетди. Аёл баланд бўйли, 40 ёшгача бўлган эркак бўлса, ўзи яшаб турган жойидан йироққа кетишни, оғир кунларини унутиб яшаш истагида. Биз унинг манзилини таҳририятга бердик.

**Ақида, Тошкент вилояти**

Қашқадарёликман. Ҳозирда Тошкентда яшайман. Олий маълумотли, уй-жойли, тадбиркор инсонман. **Ёшим 37 да.** Фарзандсизлик сабаб ажрашдик. 27-30 ёшлар атрофидаги қиз ёки жувон билан танишмоқчиман. Фақат у қишлоқда улғайган бўлиши лозим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Салоҳиддин**

**Ёшим 57 да.** масъул лавозимли инсонман. Кенг ҳовлимда ёлғиз ўзим яшайман. 2 та қизимни турмушга бергач, аёлим билан ажрашдик. 40-45 ёшлар атрофидаги, замонавий, чиройли аёлни қидиряпман. 1 та фарзанди бўлса ҳам, ақлли, ўқимишли аёл керак.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фарҳод, Тошкент вилояти**

Қўшни қизларнинг ҳаракати, пазандалигини кўриб, бир уйни гуллатадиган келинлар бўлишига ишонаман. Бири **25,** иккинчиси **30 ёшда**. Ажрашган бўлса-да, тўй қила оладиган йигитлар билан таништирмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Наргиза, Тошкент.**

Ўғлим **34 га кирди.** Қўлида ҳунари, алоҳида уйи ҳам бор. Бундан уч йил олдин аёли туғмаганлиги сабаб ажрашди. Агар оиламиз каби ўрта ҳол, ўқимаган бўлса-да ҳунарли, ўрта бўйли, ажрашган, фарзанди йўқ жувон бўлса, ўғлим билан турмуш қурса дейман. Фақат у Тошкентнинг Ҳамза туманига яқин бўлган жойдан бўлса, яхши бўлар эди.

**Манзили таҳририятда.**

**Доима, Тошкент.**

Хўжайиним оламдан ўтгач, ўзим учун эмас, фарзандларим учун яшадим. **Ёшим 54 да.** Тез-тез асабийлашиб, соғлигим бўлмаётгани сабаб шифокорлар турмушга чиқишимни маслаҳат беришди. 60 ёшлар атрофидаги зиёли, фарзандларидан тинчиган инсон билан танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фазилат, Тошкент.**

Аёлимнинг бевақт ўлими туфайли 5 та фарзандимни ёлғиз катта қилдим. Ҳозир уларнинг 2 таси оилали. **Ўзим 46 ёшдаман.** Уйим бор, топишим ҳам ёмон эмас. Фарғонада яшайдиган, меҳрибон, оқила аёлга 1 та фарзанди бўлса ҳам уйланардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилмурод, Фарғона.**

Синглимнинг қизи **23 ёшда.** Ўрта бўйли, оппоққина, нозик қиз. Яхши касб эгаси. Унинг пазандалиги, озодалиги ва одобига ҳавасим келади. 30 ёшгача бўлган, ишнинг кўзини биладиган тошкентлик йигитга таништирардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ҳилола, Тошкент.**

Амаким **54 ёшда.** Узоқ йиллар ички ишлар соҳасида ишлаган, соғлом инсон. Аёлининг бевақт ўлими сабаб ёлғиз қолди. Фарзандлари ўз оиласига эга. 45 ёшгача бўлган, нозикдан келган, фарзанд кўрмаган, тошкентлик аёлга уйланиш нияти бор. Амакимнинг манзили таҳририятда.

**Шухрат, Тошкент.**

Шароит туфайли 30 ёшга кирсам-да, бўйдоқман. Ота-онам билан тураман. Топиш-тутишим оилани боқишга етади. 25-28 ёшгача бўлган, тушунган қиз бўлса оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шавкат, Тошкент тумани.**

Опам **40 ёшда.** Ота-онамнинг вафотидан кейин бизни ўйлаганлиги сабабли турмуш қуролмай қолди. Олий маълумотли, ниҳоятда ориятли, камсуқум, соф кўнгилли опамнинг ўз тенги билан топишишини истардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Озода, Самарқанд.**

Гулдек қизимнинг бахти йўқлиги мени ўйлантиради. **Ёши 32 да**. Нозик қомати, қуралай кўзларини кўрган инсоннинг унга ҳаваси келади. Тиббиёт ходими, пазанда ва чевар қизимнинг камсуқум, ийманиб юришига қараб эзиламан. Унинг маънавияти паст оилага тушиб қолгани, икки фарзандининг тирик етим бўлишига сабаб бўлди. Ширингина икки қизини ҳам ўзим катта қиламан. Агар 40 ёшлар атрофидаги эркак бўлса, қизим уни бахтли қилишига ишонаман.

**Манзили таҳририятда.**

**Гулнора, Тошкент вилояти.**

**Ёшим 42 да.** Олий маълумотли, нозикдан келган аёлман. 18-16 ёшли қизларим бор. Уларнинг адаси бевақт оламдан ўтди. Ўқимишли, яхши хулқли, уй-жойи бор, фарзандларидан тинган 52 ёшгача бўлган эркак билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Мадина, Тошкент.**

**Ёшим 32да.** Ўқимишли, иши тайин йигитман. Оилада ёлғиз ўғиллигим сабаб, ота-онам билан яшайман. Хотинимни хиёнати сабаб ажрашганман. Агар ақли расо, оқила бир аёл бўлса овоз берсин.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шавкат, Тошкент тумани.**

**Матлуба ШУКУРОВА тайёрлади.**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 21.00

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11087
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Д. ИБРОҲИМОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5 6

**МАНЗИЛИМИЗ:**
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru